Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 19-fevral, chorshanba № 15 (8664)

Боқий фикр

Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк мўъжизадир.

Ислом КАРИМОВ

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЗАМИРИДА ҲАМЖИҲАТЛИК МУЖАССАМ

Кенг ва ёруғ хона. Жавонларга турли рангдаги ўйинчоқлар тартиб билан териб қўйилган. Тарбиячи Раъно Аҳмедова кичкинтойларга ривожлантирувчи ўйинлар орқали машғулот ўтмоқда. "Бинафша" гуруҳи тарбияланувчилари машғулотларда фаол иштирок этмоқда.

Бу каби машғулотлар Олмазор туманидаги 182-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг жону дили. Айни кунда боғчада 280 нафар болага 18 нафар тажрибали ва малакали педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. Болаларнинг иқтидори муассасада фаолият юритаётган миллий кураш, футбол, шашка, рақс, инглиз тили тўгаракларида намоён бўлмоқда.

— Муассасамизда асосий эътибор тарбияланувчиларни соғлом камол топтиришга қаратилган, — дейди МТМ мудираси Дилфуза Мусаева. — Бунинг учун барча шароит яратилган. Рангли мозаика ва ўйинчоқлар тўплами ёрдамида ўтилаётган машғулотлар тарбияланувчиларнинг ақлий ривожланишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 16-бетда.)

2014-yil — Sog'lom bola yili

Она ва бола саломатлиги мамлакат ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги даражасининг энг муҳим кўрсаткичидир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда фаол ҳаётий позицияга эга соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК АСОСИ

Аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилаш, оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида давлат тузилмалари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелдаги фармонига мувофиқ ташкил этилган "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси улар орасида муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда жамғарма аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга улкан ҳисса қўшмоқда. Жамғарма мамлакатимизда давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш билан бирга, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган олижаноб ғоя замиридаги эзгу мақсад ва вазифаларга мос келадиган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни амалга оширишда жамғарма фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2014 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг Соғлом бола йилида қабул қилинганида ҳам рамзий маъно мужассам.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Светлана ИНОМОВА билан жамғарманинг келгуси фаолияти хусусида суҳбатлашди.

(Давоми 5-бетда.)

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎРНИ

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мутахассисларнинг етуклик даражаси ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

Milliy dastur — amalda

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ишлаб чиқаришнинг жараёндаги муҳим вазифалари сифатида: ишлаб чиқаришдаги янги технологиялар бўйича педагогик кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш; ишлаб чиқаришдаги юқори малакали кадрларнинг таълимий жараёнда иштирок этиши; ишчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун марказлар ва курслар ташкил этиш; касб-ҳунарга йўналтириш ва ёшларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш жараёнида иштирок этиш; таълим олувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун иш ўринлари билан таъминлаш; интеграция доирасида таълим муассасаларини жиҳозлар ва замонавий ускуналар билан таъминлаш каби бир қатор муҳим йўналишлар белгилаб қўйилган.

Қизилқум саҳросининг қоқ марказида жойлашган, кончилар шаҳри бўлмиш Зарафшонда нафақат саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида, балки малакали кадрлар тайёрлашда таълим самарадорлигини ошириш бўйича ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Буни таълим муассасалари билан ҳамкорлик даражасида, Навоий конметаллургия комбинатининг марказий кон бошқармасига бириктирилган ўқув муассасалари, улардаги ўқув амалиётлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

(Давоми 3-бетда.)

МТМ ТЎЛОВЛАРИДА ИМТИЁЗ:

қандай, кимга, қанча, нега?

3 ёшгача ва 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг овқатланиш рационидаги фарқлар ўрганиб чиқилган ҳолда, мактабгача ва илк ёш гуруҳлари учун бадал тўловлари миқдори алоҳида-алоҳида белгиланди.

7-бет

ШАХМАТ

БОЛАГА НЕЧА ЁШДАН ЎРГАТИЛГАНИ МАЪҚУЛ?

Спорт билан мунтазам шуғулланиш, биринчидан, болаларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлайди. Демак, уларни нотўғри йўлга кириб, турли хил бемаъни машғулотларга берилиб кетишдан асрайди. Иккинчи томондан, жисмонан соғлом, кучли ва баркамол ўсишига замин бўлади. Яна бир жиҳати, спорт, айниқса, шахмат инсоннинг ақлини чархлайди, қалбини поклайди, йўқотилган ақлий ва жисмоний қувватини тиклашга хизмат қилади.

8—9-бетлар

Bitiruvchilarga "Biznes bilan shug'ullan" tamoyili asosida imtiyozli kreditlar ajratish, tadbirkorlikda to'g'ri yo'lni tanlash bo'yicha mutaxassislar tomonidan amaliy ko'rsatmalar berildi.

Ma'rifat

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Самарқанд вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ҳамкорлигида "Иқтидорли ёшлар — қудратли мамлакат таянчи" мавзусида фаол йигит-қизлар билан учрашувлар ўтказилди. Тадбирларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Самарқанд автомобил заводи, унда меҳнат қилаётган ёшлар фаолияти билан яқиндан танишишди.

Айтиш керакки, айни пайтда мазкур корхонада 560 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар. Муҳими, корхонага коллеж битирувчиларини ишга қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Коллежни тамомлаб иш бошлаган ёшлардан бири — Нажмиддин Қуронов корхонада йиғувчи вазифасида ишлаб келмоқда. У 2012 йили Самарқанд автомобилсозлик коллежини битирган. Ўқиш давомида ишлаб чиқариш амалиётини мазкур корхонада ўтаган Нажмиддин уқуви ва меҳнатсеварлиги билан корхона раҳбариятининг ишончини оқлади. Ҳозир у корхонанинг умидли мутахассисларидан бири. Бугун вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшлар сафида Нажмиддин каби иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар учун корхона-ташкилотларда етарли меҳнат шароитлари яратилган.

— Фарзандларимизга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз, — дейди тадбир иштирокчиси, оқдарёлик Мубарро Алимова. — Бугунги тадбирда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўғлим Меҳрож Давлатов бу йил Оқдарё агроиқтисодиёт коллежини битиради. Бугун у уч томонлама шартнома тузиб, келажаги учун муҳим қадамни қўйди. Қаранг, ҳали ўқишни тугатмай туриб ўғлимнинг иш жойи тайин. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Ахир, ота-она учун фарзандининг ҳаётда ўз ўрнини топишидан катта бахт борми?!

Тадбирда иштирокчилар учун меҳнат қонунчилиги, банк хизматлари ва юридик маслаҳат бурчаклари ташкил этилиб, битирувчиларга "Бизнес билан шуғулланг" тамойили асосида имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорликда тўғри йўлни танлаш бўйича мутахассислар томонидан амалий кўрсатмалар берилди. Шунингдек, вилоятнинг турли ҳудудларидан келган ёшлар саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, оилавий тадбиркорлик бўйича ўз тақдимотларини намойиш этишди. Иш берувчи корхоналар томонидан тақдимотларда фаол иштирок этган ўттиз нафар йигит-қизнинг ота-оналарига фарзанди коллежни битирганидан сўнг ишга жойлашишига кўмаклашувчи сертификатлар топширилди.

— Айни пайтда коллежда ўқиш билан бирга, ишлаб чиқариш амалиётини ўтяпмиз, — дейди Самарқанд автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Бобур Сайфуллаев. — Амалиёт давомида касбимизга доир сир-асрорларни малакали мутахассислардан ўрганиб, тажрибамизни ошираяпмиз. Бугунги тадбирда сертификат билан тақдирланганим ихтисослигимни янада пухта ўзлаштиришимга рағбат бўлди.

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникасида бўлиб ўтган тадбирни мазкур учрашувларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин. Ёш олимлар, ихтирочилар томонидан амалиётга жорий этилган инновацион ғоя ва технологиялар, кооперацион алоқалар, она ва бола саломатлиги, жарроҳлик ва пульманология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, ахборот-коммуникация ва компьютер технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш-бунёдкорлик ишлари ривожида ёшларнинг муносиб ўрни акс этган видеороликлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари "Регистон плаза" меҳмонхонасида туризм, таржимонлик, гид хизмати, меҳмонхона ва ресторан иши, ошпазлик санъати бўйича битирувчиларнинг касб маҳоратларига гувоҳ бўлишди. Самарқанд давлат чет тиллар, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтлари талабалари, Сартепа туризм ва маиший хизмат, Самарқанд озиқ-овқат касб-ҳунар коллежларининг ўттизга яқин ёш мутахассислари хорижлик меҳмонлар, соҳа экспертлари ҳамда иш берувчилар олдида ўз ихтисосликлари бўйича ўзбек ва чет тилларда тақдимот ўтказишди.

Тадбир сўнгида битирувчи ёшлар ва иш берувчилар ўртасида шартномалар тузилди, туризм бўйича янада малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Ҳаким ЖЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

«Камолот»чилар ўқуви

янги лойиҳалар яратишга ундайди

"Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши қошидаги ўқув-услубий марказда вилоят кенгашлари иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими мудирлари малакасини ошириш мақсадида ўқув ташкил этилди.

Тингловчилар билан ёшларга оид давлат сиёсатига доир қонун, қарор ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмуни, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти хусусида фикрлашилди. Ижтимоий фаол ёшларни янада кенгроқ қамраб олиш бўйича зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ўтган йили ўз фаолиятини бошлаган мазкур ўқув маркази томонидан тингловчилар малакасини ошириш жараёнига ноанъанавий тарзда ёндашилди. Тингловчилар уч гуруҳга бўлиниб, ҳар бирига янги лойиҳа ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Шу тариқа 12 та янги лойиҳа ғояси ишлаб чиқилди.

— Биз тақдим этган лойиҳа "Камолот посбони" деб номланади, — дейди Самарқанд вилояти вакили Абдулла Асланов. — Ёшларни жамоат ишларида фаолликка чорлашимиз керак. Маҳаллада кутилмаган вазият содир бўлса, улар ёрдамга шайланади.

Илҳом ЖЎРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni

Хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини ошириш, бу йўналишдаги илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, аёллар учун янги иш ўринлари ташкил этиш оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим омил саналади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренингда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда жамоат ташкилотлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, молия ва тадбиркорлик тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини бойитиш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, аёлларнинг тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга оид ташаббусларини рўёбга чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарадорлигини янада оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мазкур йўналишда бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ижтимоий лойиҳалар доирасида ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилардан иборат маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган. Улар аёлларга бошланғич иқтисодий билимларни эгаллаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш, имтиёзли кредитлар олишни расмийлаштириш, фойдали меҳнат билан бандликни оширишга амалий кўмак бераётир.

Европа Иттифоқининг институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга доир лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилаётир. Унда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда аҳолига, жумладан, хотин-қизларга тадбиркорлик йўналиши бўйича ахборот, таълим, маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун «Ахборот ойналари»ни ташкил этиш кўзда тутилган. Вақтинча ишсиз хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлик фаолияти бўйича ўқув дастурларига жалб этилади. Шунингдек, бизнес-лойиҳалар тузиш, имтиёзли микрокредитлар олиш, бизнес фаолиятини йўлга қўйишда ёрдам бериш режалаштирилган.

— Хотин-қизларни чеварлик, пазандалик ва миллий ҳунармандликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Малоҳат Эгамназарова. — Бу аёллар учун янги иш жойлари ташкил этиш ва шу орқали оилалар фаровонлигини ошириш, жамоат тузилмалари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Семинарда аҳолига тадбиркорлик асослари ва микрокредитлар олиш бўйича ахборот ва таълим хизматлари кўрсатиш, стратегик режалаштириш ва лойиҳаларни бошқариш, маҳаллаларда «Ахборот ойналари»ни ташкил этиш каби мавзуларда маълумотлар берилди, фикр алмашилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎРНИ

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда мутахассисларнинг етуклик даражаси ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий кон бошқармаси қошидаги ўқув маркази Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи, Навоий кончилик коллежи, Кармана сервис коллежи ҳамда Навоий давлат кончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультети амалиётчиларини, қолаверса, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан малака ошириш ва илмий иш қилиш учун келганларни иш ва амалиёт билан таъминлаб келмоқда. Ўқув марказида кундузги бўлим (кимёвий текширув лабораранти, токар, ҳайдовчи, ЭҲМ оператори каби мутахассислар тайёрлайди), ёш мутахассислар билан ишлаш кенгаши (диплом иши ва ўқув амалиётини ўташга кўмак беради, МКБдаги муҳандис, техник ходимлар малакаси ва тоифаларини ошириш билан шуғулланади) ҳамда кечки бўлим (кундузи ишлайдиган ходимларнинг малакасини кечки соатларда оширишга хизмат қилади) мавжуд. 50дан зиёд ишчи ходим фаолият юритадиган ўқув марказида 11 нафар ишлаб чиқариш устаси, 2 нафар педагог ва 5 нафар инструктор-ходим фаолият юритади.

«ТЕХНИК КУТУБХОНА»ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

Одатий кутубхоналардан ташқари, электрон кутубхона ҳақида тасаввурга эга эдиму, бироқ «техник кутубхона» ҳақида эшитмаган эканман. МКБга қарашли ўқув марказида ташкил этилган «техник кутубхона» эшигидан кираркансиз, электр ва техника воситаларига тўла, катта ҳажмли кутубхонанинг оригинал имижи, ноодатий ишлаш услуби, катта ва кичик асбоб-ускуналарнинг худди китоблардек алифбо тартибида терилиб, саф тортиб турганига гувоҳ бўласиз.

— Бизда чилангарлик, электр пайвандлаш, ҳайдовчилик ўқув курслари ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган барча асбоб-ускуналар ва соҳага оид адабиётлар мавжуд, — дейди кутубхоначи Гулзира Жугинисова. — Кутубхонамиз нафақат Зарафшон шаҳридаги ўқув муассасалари амалиётчи ўқувчи ва талабаларига, балки республикамизнинг турли олий ўқув юртларидан келадиган илмий ходимларга ҳам хизмат қилади.

Кутубхонанинг асосий манбаи бўлган электротехника воситалари кончилик соҳасига алоқадор бўлган улкан технологияларнинг амалий машғулот учун кичрайтирилган ва бошланғич ўрганувчилар учун қулайлаштирилган шаклларидир. Масалан, нуқтали пайвандлаш жиҳозлари, ярим автомат қурилмалари электроэнергияга оид назорат ўлчов асбоблари ва автоматикаси, диагностика столи, электромонтаж ҳамда сув босимини ўлчаш ускуналари «техник китоб» вазифасини ўтайди.

НАЗАРИЯ БИЛАН АМАЛИЁТНИ УЙҒУНЛАШТИРИБ

Навоий давлат кончилик институти Зарафшон умумтехника факультети талабаларининг ўқув амалиётлари ва битирув диплом ишлари ҳам бевосита ўқув маркази кўмагида ташкил этилади. Факультетнинг кончилик иши, металлургия ҳамда электромеханика, электротехнология (тармоқ бўйича) йўналишларида таҳсил олаётган 51 нафар талабанинг барчаси марказий кон бошқармасига қарашли 23та корхонада ўқув-танишув амалиётларини ўтайди.

— 2013-2014 ўқув йилида талабаларимиз жами 80 марта кундалик ўқув-танишув амалиётида иштирок этишлари режалаштирилган, — дейди факультет декани Акрам Пиримов. — Амалиётчилар ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилаётган ишлар билан танишади, шахталар, карьерларга тушади, цехлардаги иш жараёнларида бевосита иштирок этадилар. Бизда назарий билим билан амалиётнинг уйғунлашуви жуда муҳим саналади, шунинг учун бу масалага алоҳида, жиддий эътибор билан қараймиз. Сабаби, талаба институтимизни битириши билан мамлакатимизнинг энг катта ва асосий индустриал объектларидан саналган Навоий кон-металлургия комбинатининг ишчиси, ходимига айланади. Бу эса факультетимизда таҳсил олаётган кадрлардан юксак билим ва кўникма ҳамда амалий тажрибани талаб қилади. Ўқув-танишув амалиёти давомида талабаларимиз корхоналардаги энг мураккаб жараёнлар саналган карьердан қазиб олинган тошни майдалаш, металнинг руда таркибидан смолага ўтказилиши, металнинг регенерация жараёнлари ва шу билан бирга реагент(кимёвий реактив)ларнинг технологик жараёнларга узлуксиз бериб борилишига доир билим ва кўникмаларини оширишади.

МКБ томонидан ажратилган махсус автобусда амалиёт жараёнларида иштирок этиш учун йўл олган талабаларнинг эгниларидаги махсус кончилик кийимлари, хавфсизлик воситалари, қолаверса, ҳаракатларидан билиниб турган ғайрат ва шаштни кўриб, уларни талаба эмас, завод ишчиси деб ўйлашингиз табиий.

— Мурунтов очиқ кони дунё бўйича катталиги жиҳатидан Индонезиядаги худди шундай кондан кейин 2-ўринни эгаллайди, қазиб олиниш миқдори жиҳатидан эса дунё бўйича биринчи ўнталикка киради. Мен ана шу улкан конда бўлиб, мамлакатимизнинг энг ноёб ер ости бойликларидан бўлган олтин қазиб олиш жараёнида иштирок этиб, ўзимни шу кунгача қизиқтириб келган кўплаб саволларга жавоб топдим, — дейди металлургия йўналиши 2-курс талабаси Наргиза Барноқулова. — Қизиқарли амалий экскурсиямизда ишлаб чиқариш бўлими бош муҳандиси Марат Булгаков ҳамроҳимиз бўлди. Бизга руданинг қазиб олиниш жараёнидан ишлаб чиқариш жараёнигача бўлган мураккаб техник операцияларни бирма-бир тушунтириб борди. Айниқса, Марказий завод лабораторияси ҳисобланган 2-гидрометаллургия заводининг асосий таркибида ўтказилган амалий дарсларимиз барча технологик, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатиш имкониятини берди. Бунда кимёвий анализ, спектрал ва аналитик текширув жараёнлари биз бўлажак кончиларнинг назарий билимларимизни амалиётда мустаҳкамлаш учун асос бўлади.

— Ўқув марказида факультет талабалари учун 7 та йўналиш: электр газ пайвандловчи, электромонтёр, слесар-таъмирловчи, тегирмон (руда майдаловчи қурилма) машинисти, бурғилаш машинисти, слесарь-созловчи, токарлик мутахассисликлари бўйича 4—8-тоифалар берилади. 2012-2013 ўқув йилида 101 нафар талаба ўқув марказида таълим олиб, тоифага эга бўлди. Қувонарлиси, талабалар стипендиядан ташқари, марказий кон бошқармаси ҳомийлигида ташкил этилган ҳар бир тоифа бўйича ажратилган маош билан ҳам таъминланади, — дейди кимё, физика фанлари ўқитувчиси Зокир Каримов.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Факультет Зарафшон саноат, тиббиёт, компьютер технологиялари коллежлари, НДКИ қошидаги Зарафшон академик лицейи, Учқудуқ ва Томди туманлари коллежлари билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган. Талабалар амалиёт давомида ўрганган билим ва тажрибалари, ўз соҳалари бўйича олган қизиқарли таассуротларини ушбу ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида семинар ва тақдимотлар ташкил этиб, ўқувчилар билан ўртоқлашмоқда. Коллеж ўқувчилари факультетнинг лаборатория хонаси, кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга.

Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежида Навоий конметаллургия комбинати буюртмаси асосида тизим йўлга қўйилган бўлиб, электроэнергетика, машинасозлик технологияси, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш электромеханикаси, асбобсозлик, кўтарма транспорт ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш, ишлаб чиқариш машиналари ва технологияси, кончилик иши, темир йўл станцияларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш техниги каби йўналишларда кадрлар тайёрланади. 20га яқин миллат вакиллари бўлган 1124 нафар ўқувчига 59 нафар ўқитувчи, 5 нафар ишлаб чиқариш корхонаси мутахассиси, 23 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси сабоқ беради.

— Ўқувчиларимиз барча курсларда МКБнинг 17та қисмида амалиёт ўтайди. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқувчи билан амалиётни ташкил этиш ва ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома тузилади, — дейди директорнинг ишлаб чиқариш таъминоти бўйича ўринбосари Олим Ҳайдаров. — Ўқувчилар уч йиллик амалиёт давомида малакали мутахассис бўлиб чиқишга ҳаракат қилишади. Амалиёт дастурига кўра ўқувчи бириктирилган объектларга худди ишчилардек махсус кийимда боради, овқатланиш учун талон берилади ва транспорт қатнови билан таъминланади. Ўқув амалиёти тугагандан сўнг иш берувчи корхоналар мутахассислари иштирокида якуний аттестация ўтказилади. Битирувчилар диплом ҳимояларини ўтказиб, тоифаларга эга бўлади. Ишлаб чиқаришни мустақил равишда ўрганган ўқувчилар "Kompos" 3D дастурида диплом ишларини электрон тақдимот тарзида амалга оширадилар. Ушбу дастур анимацион белгилар, овозли, мусиқали ҳаракатлардан фойдаланиш имкониятини яратиб, илмий иш мавзусини янада осонроқ тушунтиришга ёрдам беради. Кичик амалиёт ва лаборатория жараёнларини коллежнинг ўзида ташкил этиш мақсадида автомобиллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, электротехника лаборатория кабинети учун асбоб-ускуналаримиз бор. Жорий ўқув йилида ўқув амалиётларини намунали ташкил этиш мақсадида давлат бюджетидан 22 млн. 751 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, амалиёт жараёнларига керак бўладиган металл пластина, электрод, припой, конифол, қалай, қум қоғоз, электр симлар каби хомашёлар сотиб олаяпмиз.

ҲАМ ИМКОНИЯТ, ҲАМ ИМТИЁЗ

— Ўқув йили бошида Зарафшон шаҳар ХТМФМТТЭБ тасарруфидаги 12та мактаб билан коллеж ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилади, — дейди касб-ҳунар коллежи директори Галим Жусепов. — Унга кўра ўқувчилар амалиёт соатларида коллежимиздаги лаборатория хоналаридан, устахоналардан бемалол фойдаланишади. Қолаверса, тез-тез ўтказилиб туриладиган «Касблар фестивали»да иштирок этишади.

Эътиборлиси, коллежни тамомлаган ўқувчи олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмаса, марказий кон бошқармаси томонидан мутахассислиги ва тоифасига кўра иш билан таъминланади. Бундай тартиб битирувчи ўқувчиларимизни иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилишига катта кўмак бермоқда.

— Имкониятлардан яна бири шундаки, бошқармада «Ёш мутахассис» мақоми жорий этилган, — дейди МКБ кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Ражабов. — Бунга кўра ушбу мақомга эга бўлган ишчи ходим корхонанинг кўпгина имкониятларидан фойдаланиши билан бирга, унга белгиланган тартибда қўшимча иш ҳақи ҳам тўланади. «Ёш мутахассис» мақомига эга бўлиш учун ишчи-ходим, албатта, МКБ корхоналарига бириктирилган ўқув муассасаси битирувчиси бўлиши ва таҳсил олиш йилларида ушбу корхоналарда амалий тажриба орттирган бўлиши керак.

Амалиётнинг назария билан уйғунлашуви, ўқув муассасасида олинган билимларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида орттирилган тажриба билан мустаҳкамланиши катта самара беради. Бу йўлда Зарафшон шаҳрида жойлашган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига моддий ва амалий кўмак бериб келаётган Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий кон бошқармаси фаолияти таҳсинга лойиқдир.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
"Ma'rifat" мухбири

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

Yangiliklarda yurt nafasi

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни уйларига кузатиш маросими ўтказилди.

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ташкил этилган тадбирда билим юрти раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида ҳарбий интизом, жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлиқда юқори натижаларга эришган ҳамда тест синовларида энг кўп балл тўплаган бир гуруҳ аскарларга ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномалари топширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан мазкур тавсияномага эга бўлган фуқаролар мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида имтиёз олади.

Тадбир якунида санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Нукус хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда коллеж ўқитувчилари, ишлаб чиқариш амалиёти усталари, ўқувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

Жорий ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикасидаги 10 академик лицей ва 93 касб-ҳунар коллежини 26 минг 545 нафар ўғил-қиз битиради. Уларни ўзлари танлаган касб бўйича ишга жойлаштириш ва қизиқишига қараб таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир доирасида коллеж ёшлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари ва мазкур мактабда таҳсил олаётган қорақалпоғистонлик бир гуруҳ тингловчилар билан учрашди.

Учрашув чоғида ушбу мактаб ҳаёти, у ерда яратилган шарт-шароит ҳақида ҳикоя қилувчи видеоролик намойиш этилди. Ўқитувчилар ва тингловчилар мактабда яратилган замонавий шароит ва имкониятлар ҳақида ўқувчиларга гапириб берди.

Андижонда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан инглиз тилини ўқитишда илғор услубларни жорий этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

— Инглиз тилини ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш юқори самаралар бермоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Азизбек Ҳафизов. — Бу жараёнда илғор ва ноанъанавий услублардан, содда услубий қўлланмалардан кенг ва ижодий фойдаланиш ўқувчиларнинг тилни ўрганишини осонлаштиради.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган семинарда илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари атрофлича ўрганилди.

Тадбир давомида Андижон машинасозлик касб-ҳунар коллежи инглиз тили фани ўқитувчиси Марғуба Сатторова томонидан тайёрланиб, чоп этилган "Elementary English grammar" ("Бошланғич инглиз тили грамматикаси") услубий қўлланмаси тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Наманганда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши раиси Ж.Нодировнинг ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

— 295 минг 343 нафар ёшларни яғона мақсад йўлида бирлаштирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг 11 туман, 1 шаҳар бўлими ва 1 минг 130 бошланғич ташкилоти жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, — деди Ж.Нодиров. — Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда "Ёш чегарачилар", "Шунқорлар" каби ҳарбий-спорт ва ватанпарварлик мусобақалари, "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар", "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!", "Миллий қадриятларни қадрлаймиз!", "Озод ва обод юрт фарзандларимиз" фестивallари, "Сиз қонунни биласизми?", "Энг ёш журналист", "Виждонли сотувчи", "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танловлари муҳим аҳамият касб этаётир.

Конференцияда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Наманган вилояти кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди. Кенгашнинг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

Анжуман доирасида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Ҳамкорликда иллатларга қарши

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунни ёшлар орасида тарғиб этиш, гиёҳвандлик, одам савдоси каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар талаба-ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида фикр билдиришди.

— Институтимизда республикамизнинг барча ҳудудидан келган ёшлар таҳсил олади, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг маънавий-ахлоқий ишлар бўйича проректори Б. Зокиров. — Уларнинг мақсадлари муштарак — замонавий шароитлар билан таъминланган таълим муассасаларида билим олиб, етук мутахассис бўлиш ва юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун турли маънавий тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилди.

Давра суҳбати сўнгида гиёҳвандликнинг аянчли оқибатига бағишланган "Қабоҳат" видеофильми намойиш этилди.

Хайриддин МУРОД

Шоир ёди доим қалбларда

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактабда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда шоирнинг турмуш ўртоғи Назира Саломова, таниқли ҳикоянавис, таржимон Маъсума Аҳмедова, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди, миллий адабиётимиз ва маънавиятимизга қўшган салмоқли ҳиссаси алоҳида эътироф этилиб, замондошларининг ижодкор ҳақидаги хотиралари тингланди. Шундан сўнг ўқувчилар шоир шеърларидан намуналарни ёддан ўқишди.

Учрашув қизғин адабий суҳбатга айланиб, йиғилганларга хушкайфият улашди.

Шаҳло ИСМОИЛОВА

Болажонларга меҳр улашиб...

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабалари томонидан "Болажонларга меҳр улашиб..." ярмаркаси уюштирилди.

Хўжайли туманидаги сколиоз касаллигига чалинган болалар учун ихтисослаштирилган 6-мактаб-интернатда ташкил этилган мазкур саховат тадбири аввалида иштирокчилар муассасада 180 нафар болага яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Учрашувда ёшларнинг билим олиши учун яратиб берилган имкониятлар, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. «Меҳр-мурувват ёшларга яраша» мавзусидаги ранг-баранг суратлар ҳамда кўргазма ва видеороликлар намойиш этилди.

Эътиборлиси, тадбир доирасида институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари мактаб-интернатнинг педагогик жамоасига ўқув дастурлари бўйича методик ёрдам кўрсатишди. Дарсларни интерфаол усуллар орқали ўтиш юзасидан тавсиялар беришди.

Икки кунлик тадбир якунида ташкилотчилар томонидан ўқувчиларга китоб, дарслик, ўқув қуроллари ва эсдалик совғалари улашилди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди

Ширин ОТЕГОНОВА,
ассистент-ўқитувчи

Тажриба алмашилди, билимлар бойитилди

Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактабда она тили ва адабиёт, ўзбек тили фани ўқитувчилари учун илмий-амалий семинар ўтказилди.

Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти ва Мирзо Улуғбек туман ХТМФМТТЭ бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда дастлаб илғор тажрибали ўқитувчиларнинг «Алишер Навоий ғазаллари маънавий-руҳий тарбия воситаси», «Бобур ижодида юрт қайғуси», «Муҳаммад Юсуф — миллат ва Ватан куйчиси» мавзуларидаги очиқ дарслари кузатилди. Семинарда Республика таълим маркази методистлари ва Тошкент шаҳар ПКҚТМО институти мутахассислари компетентли ёндашувга асосланган янги ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳасини тажриба-синовдан ўтказишнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритишди.

— Бугунги семинар орқали тумандаги она тили ва адабиёт, ўзбек тили фани ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашишди, билимларини бойитишди, — дейди методист Н.Умарова. — Очиқ дарслари намунали деб топилган Заҳро Аҳмедова, Захира Усмонқулова, Хонзода Давронова, Феруза Солихўжаеванинг иш тажрибаси оммалаштиришга тавсия этилди.

А.ХАЙРУЛЛАЕВ

Аждодлар мероси — авлодлар нигоҳида

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида авлодларга бой маънавий мерос қолдирган икки буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини, асарларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишланган маънавий тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Навоий ва Бобур асарлари талабаларнинг маънавиятини оширишда муҳим манба экани, ёшларнинг дунёни лол қолдирган бундай аждодларимизга муносиб ворис бўлишлари лозимлиги хусусида фикр юритдилар.

— Университетимиз талабалари томонидан аждодлар мероси, бунёдкорлик ишлари кенг ўрганилмоқда, — дейди иқтисодиёт факультети декани Б.Хўжаев. — Бугунги тадбирда адабиётшунос олимлар ва мутахассислар томонидан айтилган янги маълумотлар талабаларимизни икки буюк бобомиз ижодини янада кенгроқ ўрганишга руҳлантириши шубҳасиз.

Ўзбек миллий академик драма театри санъаткорлари, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижросидаги саҳна кўринишлари, мумтоз куй ва ашулалар иштирокчиларга завқ улашди.

Баҳодир ШАМСИЕВ,
университетнинг 3-босқич талабаси

Энг билимдонлар аниқланди

Юнусобод туманидаги 313-мактабда бошланғич синф ўқувчиларининг «Буюк боболаримиз билан фахрланамиз» деб номланган шеърият кечаси ва ижодий ишлар танлови бўлиб ўтди.

Тадбирда тумандаги барча мактаблардан энг иқтидорли ва қобилиятли бошланғич синф ўқувчилари иштирок этиб, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижоди, улар яратган ўлмас асарлар, бой маданий ва маънавий мероси акс этган саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган деворий газета, тасвирий санъат намуналари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ижодий ишлар танловида «Энг яхши иншо муаллифи», «Энг билимдон ўқувчи», «Энг ғазалхон ўқувчи» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Улуғбек СУЮНОВ,
Юнусобод ТХТМФМТТЭ бўлими методисти

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинишининг асослари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиб, фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга шароит яратиш, шунингдек, жамиятда манфаатлар мутаносиблигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Жамоат ташкилоти бўлган бизнинг жамғармамиз ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Жамғарма ўз мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш учун давлатимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган тиббиёт, инсонпарварлик, тарбиявий ва инвестиция дастурларини самарали амалга оширмоқда. Бу борада жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 14 минтақавий филиали ҳамда 100 дан ортиқ таянч пункти фаолият юритмоқда.

Жамғарма томонидан аҳолига тиббий ёрдам, эзгулик ва меҳр-шафқат кўрсатиш, халқаро ҳамкорлик, маданият ва маърифат, соғломлаштириш ҳамда спорт йўналишларида амалга оширилаётган олижаноб ишлар асосий ва ягона мақсад — ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда хайрия фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, ногирон болалар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилмоқда.

Жамғарманинг кенг кўламли лойиҳалари самаралари, энг асосийси, ходимларнинг самимият ва меҳр-шафқатга йўғрилган фаолияти амалга оширилаётган ишларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, сўнгги беш йилда бевосита жамғарма кўмагида оғир туғма нуқсонли 118 бола Германия ва Жанубий Кореядаги етакчи клиникаларда даволанди, турли нуқсон билан туғилган 2 минг 200 дан ортиқ бола эса мамлакатимиздаги шифохоналарда муолажа олди.

"Friedensdorf International" (Германия) халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг бемор фарзандларини соғломлаштириш бўйича лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

2013 йилда юз-жағида туғма нуқсони бор 237 бола мамлакатимизда муваффақиятли операция қилинди. Шунингдек, ўтган йили "Чиройли оёқчалар" лойиҳаси доирасида туғма ортопедик нуқсонли 227 нафар болага жарроҳлик амалиёти қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги қарорига мувофиқ, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ўзига хос тиббий-ижтимоий патронаж тизими яратилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган кўчма бригадалар мутахассислари бу борадаги ишларни амалга ошириб келмоқда. Улар оилалар саломатлиги, руҳий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий даражасини ўрганади. Сўнгги 16 йилда 3,2 миллиондан зиёд киши, асосан мамлакатимизнинг олис ва чекка туманларида истиқомат қилаётган аёллар ва болалар замонавий ташхис ва даволаш усуллари ёрдамида тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда соғломлаштирилди. Тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари бир вақтнинг ўзида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларини ҳам олиб бормоқда. Бу борада мутахассислар билан суҳбатлар, маҳалла ва таълим муассасаларида маърифий тадбирлар ташкил этилаётир.

Бу шунчаки рақамлар эмас, балки ҳар бирининг замирида инсон ҳаёти ва тақдири, шунингдек, жамғарма ходимларининг хайрли ва эзгу ишларни амалга оширишга бўлган чексиз интилиши мужассамдир.

— Ушбу янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва у "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси фаолиятида қандай аҳамиятга эга?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори жамғарманинг моддий-техник базасини мустаҳкамлайдиган ва тартибга соладиган асосий ҳужжатга айланди. Бу мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қаратилаётган алоҳида эътборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур қарор она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни тарбиялаш каби муҳим ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бажаришдаги ваколатларимизни янада кенгайтирди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор билан "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисидаги низомнинг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур низомга биноан жамғарма бошқарувининг олий органи — иштирокчилар конференцияси тугатилди ва ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шу чоқ-қача конференцияда жамғарма бошқаруви, бошқарув раиси, тафтиш комиссияси сайланиб, ижрочи директор тасдиқланар эди. Энди ушбу вазифалар жамғарма бошқарувининг бош органи — Васийлик кенгаши зиммасига юклатилди. Васийлик кенгаши таркибига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, молия институтлари, йирик компаниялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари киритилди. Унинг ваколати сезиларли даражада кенгайтирилди.

Масалан, Васийлик кенгашига жамғарма фаолияти, унинг амалдаги қонунчилик, жамғарма низоми ва Васийлик кенгаши қарорларига мувофиқлигини назорат қилиш, жамғарма низомига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш, Бошқарув ва тафтиш комиссиясини ташкил этиш, ташкилот пул маблағлари ва бошқа мулкларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш, бюджетни тасдиқлаш ва бошқа бир қатор ваколатлар берилган.

Янги қарорга мувофиқ, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вазифалари доираси кенгайтирилди. Жамғарма кўп болали оилалар, аёллар, ногиронлар, ногирон болалар, гўдаклар уйлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, "Саховат" ва "Мурувват" уй-интернатлари, махсус таълим муассасаларида истиқомат қилаётганларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатади. Перинатал, реабилитация ва скрининг марказлари, педиатрия даволаш-профилактика ва бошқа муассасаларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларни ривожлантиришга кўмакланади. Жамғарма аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, реабилитация, ногиронликнинг олдини олиш, шунингдек, онкология, силга қарши кураш муассасалари ва бошқа хизматларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий аҳамиятли касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича профилактика ишларининг самарали тизимини яратишга ёрдам беради.

"Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди тўғрисидаги низомнинг янги таҳририга мувофиқ, жамғарма бундан кейин ҳам хайрия фаолиятини давом эттиради. Фонд маблағлари келиб тушиш манбаларидан қатъи назар, низомда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида сарфланиши шарт. Шундан келиб чиқиб, фонд фуқаролар билан ҳуқуқий битимлар тузиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хайрия маблағларини, чет эл фуқаролари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг пул маблағлари, адабиёт ва санъат асарлари, илмий ва лойиҳавий ишланмалари, машиналари, ускуна ва жиҳозлари, иншоотлар ва бошқа моддий воситаларини жалб этиши мумкин. Бундан ташқари, давлат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўз лойиҳалари ҳамда дастурларини амалга ошириш, кредит олиш, низомда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ташкилотлар ташкил этиш ва бошқа кўплаб ҳуқуқларга эга.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг ҳуқуқий мақомини ошириб, мақсад ва вазифаларини кенгайтирди. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Соғлом бола йилида дастурларимиз давом эттирилади. Аёллар, болалар ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни янада кўпроқ ташкил этишни режалаштирмоқдамиз.

ЎзА мухбири
Меҳрибон МАМЕТОВА
суҳбатлашди.

БЕХАТАР ОНАЛИК, БЕЗАВОЛ БОЛАЛИК

Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Навоий вилоят перинатал марказида 300 нафардан зиёд малакали акушер-гинеколог, реаниматолог, неонатолог, педиатр, доя, лаборант ва ҳамшира меҳнат қилмоқда. "Бехатар оналик", "Болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги" дастурлари асосида билим ва малакасини ошириб бораётган шифокорлар она ва бола саломатлиги муҳофазаси, ташхис қўйиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишда илғор тажриба ва замонавий ускуналардан самарали фойдаланмоқда.

Марказда 2013 йилда 4 минг 632 чақалоқ дунёга келиб, барчасидан профилактик эмлаш ва скрининг текширувлар учун таҳлиллар олинди.

Суратда: (чапдан) ҳамшира Дилафрўз Камолова ва шифокор Зуҳра Ҳамроқулова.

Сироҳ АСЛОНОВ (ЎзА)
олган сурат.

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

ЎҚУВЧИМ — ДИЛБАНДИМ

бу сўзлар замирида масъулият ва меҳр мужассам

Бўтакўз Исоқова Булоқбоши туманидаги 30-умумтаълим мактабининг тажрибали, малакали бошланғич синф ўқитувчиларидан. Унинг «Куни узайтирилган гуруҳларда таълим-тарбия методикаси», «Болалар камолотини шакллантиришда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш», «Бошланғич синфларда ноанъанавий дарс, интерфаол усулларни қўллаш» мавзуларидаги рисолалари чоп этилган.

— Бола эътиборталаб бўлади. Бунга 28 йиллик иш фаолиятим давомида кўп бора амин бўлганман. Шу боис синфдаги бирорта ўқувчимни назардан четда қолдирмайман. 1-синфни қабул қилаётган вақтимда дастлаб боланинг уй шароити, яшаш муҳити билан танишиб чиқаман. Уларни сизлаб, авайлаб сабоқ бераман. Бир-бирларини сизлаш, ҳурмат қилишларини талаб этаман. «Бир синф — бир оила. Демак, биз бир оила фазандларимиз. Аҳиллик, тотувлик — шиоримиз бўлсин», дея таъкидлайман. Бу эса болаларнинг руҳиятига, ўқишига, хулқига ижобий таъсир қилади. Кўпроқ рағбатлантиришга интиламан. «Баракалла, офарин, жуда яхши» сўзлари билан олқишлайман. Ҳатто бу сўзларни уй вазифаларини текшираётганимда дафтарига ёзиб қўяман. Дафтарларни варақлай туриб, ҳуснихат, тоза ёзиш қоидаларига алоҳида эътибор қаратаман. Озода, сариштa ўғил-қизларни тенгдошларига намуна қилиб кўрсатаман...

Ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам дарсларни бирдек ўзлаштира олмайди. Шу боис дарсдан ташқари ўтказиладиган тўгарак машғулотларида шеър, ҳикоя, эртаклар ўқиб беришни канда қилмайман. Шеърни қийналиб ёдлайдиган, дарсни суст ўзлаштирадиган ўқувчилар билан дарсдан сўнг шуғулланаман. Кун тартибини тўғри режалаштиришни ўргатаман. Бу уларга бўш вақтини тўғри ташкил қилишда ёрдам беради. Табиатга оид дарсларни кўпинча очиқ ҳавода ўтказамиз. Саёҳат давомида ўқувчиларим билан яқиндан суҳбатлашиб, ҳеч кимга айтолмаган муаммоларини билиб оламан. Бу ҳақда ота-оналари билан гаплашиб, биргаликда ечим топамиз.

Boshlang'ich ta'lim

Ҳозир мен дарс бераётган 3-синфда 28 ўқувчи ўқийди. Она тили, математикадан алоҳида синф иши, оралиқ назорат иши, уй вазифа учун дафтарлар юргизилган. Уларни ҳар куни текшириб, баҳоларни ўз вақтида қўйиб бораман. Кўп ишларда синф сардори менга яқин кўмакдош. У синфда интизом ва давоматнинг барқарор бўлишини таъминлашда катта ёрдам беради.

Ҳар бир ўқувчимни дарс вақтида доскага чиқариб, қоидага мувофиқ ёзишини текшираман. Ушбу жараёнда бошқа ўқувчиларга ҳам ўз хатоларини тўғрилаб олишга имкон яратаман. Шу боис кўпинча «Дафтарлар кўриги» танловида олдинги ўринларда бўламиз.

Ўқиш дарсида бир дақиқада 49—50дан 136 тагача сўз ўқиш талаб этилади. Ҳозирда 18—20 нафар ўқувчим аъло, 6 нафари яхши, 2 нафари эса қониқарли баҳога ўқимоқда. Дарсда интерфаол усуллардан кўп фойдаланаман. Масалан, она тили дарси якунида уйга вазифа топширилгач, доскага *она, мактаб, китоб, Ватан* сингари сўзларни ёзаман. Ўқувчилар ўзлари мавзу танлаб, режа асосида уйда иншо ёзиб келишади. Кейин синфда «Энг яхши ижодкор», «Энг яхши матн», «Бугуннинг билимдони» сингари танловлар ўтказамиз.

Бўтакўз Исоқованинг дарс ўтиш услуби, ўқувчилар билан ишлаш тажрибаси нафақат ҳамкасбларини, балки кўплаб ота-оналарни ҳам қизиқтиради. Шунинг учун бўлса керак, синфига туманнинг олис Учтепа, Сарвонтепа, Қақир сингари ҳудудларидан ҳам ўқувчилар қатнаб ўқишади. Муаллима таъкидлашича, ўқитувчи серқирра бўлиши зарур. Чунончи, унинг ўзи соҳа янгиликларини тарғиб қилувчи муаллиф, шеъриятга ошно мухлис (кўпинча дарсларини шеърий йўл билан олиб боради), яхши хонанда ҳамдир.

— Ўқитувчи мунтазам ўқиши керак, — дейди Бўтакўз Исоқова суҳбатимиз якунида. — Бошланғич синф ўқитувчилари қатори юқори синф муаллимларининг ҳам дарсларини кузатиб, фан ойликлари тадбирларида қатнашиш, илғор иш тажрибаларидан андоза олишни одат қилганман. Ҳамкасбларим тажрибаларини, янгиликларни ўрганиб, дарсимга татбиқ этишга интиламан.

Орифжон СИДДИҚОВ,
Умида ЭГАМБЕРДИЕВА

Sinab ko'ring

Математик мисол ва масалалардаги "гўзал ечим", "ажойиб исбот", "сахий сон" каби иборалар математика ва ижод ажралмас тушунчалар эканидан далолат беради. Буни ўқувчиларнинг ўзлари ҳам ҳис қилиб, ижод лаззати ва қувончини сезса, ўзлаштириш даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Ижодий топшириқлар ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини ўстириб, изланувчанлик қобилиятини оширади. Натижада улар математика қийин эмас, гўзал фан эканини ҳис қилиб борадилар. "Математика фани шунчалик жиддийки, уни қизиқарли қилишнинг иложи бўлиб қолса, қўлдан бой бермаслик керак», деган экан буюк математиклардан бири. Натурал сонларни кўпайтиришнинг қадимдан маълум бўлган бир усулини математика тўгараги машғулотида тушунтирдим. Бу усулда кўпайтувчилардан бирини иккига бўлиб, иккинчисини иккига кўпайтирганда кўпайтма ўзгармайди. Масалан:

1) 16 · 23
8 · 46
4 · 92
2 · 184
1 · 368

Демак: 16 · 23=368

2) 16 · 50
8 · 100
4 · 200
2 · 400
1 · 800

Демак: 16 · 50=800.

Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам худди шунга ўхшаш мисоллар тузади.

Сонларнинг бўлиниш белгилари мавзуси 5-синфда ўтилади. 2га, 3га, 5га, 9га, 10га бўлиниш белгилари тушунтирилгач, қобилиятли ўқувчилар учун 4га бўлиниш белгиларига доир мисоллар бериш мумкин. 4га бўлиниш белгиси: соннинг охирги иккинчи рақамидан уларнинг берилиш тартибида тузилган сон 4га бўлинса, бундай сонлар 4га бўлинади. Масалан:

73624=73600+24=
736 · 100+24.

Биринчи қўшилувчи 4га бўлинади, иккинчи қўшилувчи ҳам 4га бўлинади. Демак, 73624 ҳам 4га бўлинади. Буни бошқа мисоллар билан синаб кўришингиз мумкин. Худди шу тарзда 8га бўлиниш қоидасини ўйлаб кўриш маслаҳат берилади. Бундай жараён ўқувчилар тафаккурини ривожлантириб, фикрлаш доирасини ўстиради.

Ўқувчиларни берилган масаладан бошқа масалалар тузишга ҳам ўргатиш мумкин.

МУВАФФАҚИЯТ ЗАВҚИ

Тўғри бурчакли параллелепипед ва куб мавзусини ўтганда қуйидаги масалалардан яна янги масалалар туздик.

1-масала. a=5 см, b=10 см, c=8 см.га тенг бўлган тўғри бурчакли параллелепипеднинг сирти юзини топинг. Ушбу масаладан қуйидагича яна масалалар тузиш мумкин:

2-масала. Тўғри бурчакли параллелепипед сиртининг юзи берилган: S=340sm².

a=5 см., b=10 см., c томонини топинг.

3-масала. Тўғри бурчакли параллелепипед сиртининг юзи берилган.

S=340 sm². a=5, b=? c=8 см.

4-масала. Тўғри бурчакли параллелепипед томонлари a=5, b=10, c=8 см. Тўғри бурчакли параллелепипед ясаш учун қанча сим керак бўлади.

5-масала. Тўғри бурчакли параллелепипед томонлари a=5, b=10, c=8 см. Бир учдан чиққан қирралари узунликлари йиғиндисини топинг.

6-масала. Шу параллелепипеднинг учта ўлчовини 2 мартадан орттириб, ҳажмини топинг.

Назаримизда, мазкур усул билан ўқувчилар маълум миқдорлар орқали номаълум миқдорларни топиш усулларини излайдилар. Излаш натижасида эришган муваффақиятидан завқ олиб, математика қийин фан эмаслигига ишонч ҳосил қилиб борадилар.

Саломат РУСТАМОВА,
Юнусобод туманидаги 17-ИДУМ ўқитувчиси

Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўқувчи ёшлар билимини ошириш, ўрганганларини мустаҳкамлаш, улар ўртасида дўстона муносабатларни қарор топтириш мақсадида турли фанлар бўйича интеллектуал беллашувлар, ижодий танловлар ўтказиб келинади. Ана шундай беллашувлардан бири «Қизиқарли кимё» мавзусида бўлиб ўтди.

«КИМЁВИЙ» БЕЛЛАШУВ

2011 йилдан ўз фаолиятини бошлаган мазкур коллежда бугунги кунда қурилиш, ёғочга ишлов бериш, дизайнерлик фаолияти, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш, бухгалтерия ҳисоби, бичиш-тикиш, газ ва газ таъминоти каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади. Масканда ўқувчиларнинг билим олиб, касб-ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган.

Беллашувда 1-босқич ўқувчилари ўзаро икки гуруҳга — «Ёш кимёгарлар» ва «Кимёшунослар» жамоасига бўлиниб баҳслашдилар. Ўқувчилар ўз билимларини таништирув, уйга вазифа, ўйла, изла, топ, лаборатория тажрибаси, хотира машқи, сахна кўриниши ва сардорлар баҳси каби шартлар орқали синовдан ўтказдилар. Якунда кучли билимга эга эканини намоён этиб, барча шартларни, айниқса, лаборатория тажрибаларини яхши бажарган «Ёш кимёгарлар» гуруҳи аъзолари ғолиб бўлди.

Муқаддас ЭГАМБЕРДИЕВА,
коллежнинг кимё фани ўқитувчиси

Суратда: беллашувдан лавҳа акс этган.

А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

МТМ ТЎЛОВЛАРИДА ИМТИЁЗ

қандай, кимга, қанча, нега?

Мен ясли гуруҳида тарбияланаётган фарзандимга 2013 йил давомида ойига 79800 сўмдан тўлаган бўлсам, 2014 йил январь ойидан 64500 сўм тўлаяпман. Бундай ўзгариш бўлишига сабаб нима? Бу фарзандларимизнинг МТМдаги овқатланиш сифатига таъсир этмайдими?

Хуршида Назарова
Миробод тумани

Сабоҳат Миржалилова, Халқ таълими вазирлигининг бўлим бошлиғи:

— 2013 йилга қадар бир йилда икки маротаба, яъни аҳолининг ойлик маошлари оширилганида МТМ бадал тўловлари ҳам оширилар эди. 2013 йилдан эътиборан, МТМ тўловлари учун энг кам иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгармас қиймат белгиланиб, бадал тўловлари йил бошида бир маротаба, келгуси харажатларни назарда тутган ҳолда белгиланадиган бўлди. Натижада, 2013 йил давомида аҳоли иш ҳақи миқдори икки марта оширилган бўлишига қарамасдан, МТМ бадал тўловлари ўзгаришсиз қолдирилди. 2014 йилнинг январь ойидан ота-оналар белгиланган янги меъёрлар асосида тўловларни амалга ошириб келмоқда.

2013 йили Тошкент шаҳрида 5 кунлик, 9-10,5 соатдан ишлайдиган МТМга қатновчи бир нафар мактабгача ёки илк ёш гуруҳидаги(3 ёшгача бўлган) бола учун 79 800 сўмдан бадал тўлови тўланган. Икки ва ундан ортиқ фарзанди МТМга чиқадиган ота-оналар эса 71 фоизлик тўловни амалга ошириш имтиёзидан фойдаланиб, мактабгача ва илк ёш гуруҳидаги фарзанди учун 57 минг 509 сўмдан бадал тўлови тўлаб келаётган эди.

2014 йилдан бошлаб эса, 3 ёшгача ва 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг овқатланиш рационидаги фарқлар ўрганиб чиқилган ҳолда, мактабгача ва илк ёш гуруҳлари учун бадал тўловлари миқдори ҳам *алоҳида-алоҳида* белгиланди. Натижада, 9-10,5 соатлик МТМнинг мактабгача ёш гуруҳига қатнайдиган бир нафар бола учун 85200 сўм, 3 ёшгача бўлган бола учун эса 64500 сўм этиб белгиланди. Бундан ташқари, 71 фоиз бадал тўлови тўлаш имтиёзига эга, яъни икки ва ундан ортиқ фарзанди қатнайдиган оилаларнинг илк ёш гуруҳидаги бир нафар фарзанди учун 45800 сўм, мактабгача ёш гуруҳидаги фарзанди учун эса 60500 сўмдан тўлаш имтиёзи ҳам янгича тартибга биноан жорий қилинди.

Бу фарзандини 2 ёшдан боғчага бериш истагидаги ота-оналарга яхшигина иқтисодий қулайлик яратади. Олдин ота-оналар 3 ёшгача бўлган фарзандига ҳам, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган фарзандига ҳам бир хил нарх асосида бадал тўлови тўлаган бўлса, энди илк ёш гуруҳидаги бола учун катта гуруҳдаги болага тўланадиган суммадан 20700 сўм, имтиёзга эга ота-оналар эса 14700 сўм кам миқдорида тўлов тўлашади. Бу бир нафар фарзанди катта гуруҳга чиқадиган ота-оналарга олдинги йилга нисбатан 5400 сўм кўпроқ тўлов миқдори юзага келганини кўрсатса, ясли гуруҳидаги болага эса ўтган йилгидан кўра 15300 сўм камроқ бадал тўланишини англатади.

Мазкур енгиллик илк ёш гуруҳи тарбияланувчиларининг овқатланиш рациони ўрганиб чиқилган ҳолда белгиланган бўлиб, овқатланиш сифатига таъсир этмайди. Бундай имтиёздан

кўзланган асосий мақсад республикамиз бўйлаб МТМга кўпроқ кичкинтойларни жалб қилиб, қамровни оширишдан иборат.

Янги меъёрларга кўра вилоят марказлари ва туманларда МТМ бадал тўловлари қандай белгиланган? Боланинг бир кунлик боғчада юриш харажатлари миқдори-чи, ота-оналар тўлаётган бадал тўлови бунинг қанча қисмини қоплайди?

Шаҳноза Эргашева
Узун тумани

Жамшид Абруев, Молия вазирлигининг умумий ўрта таълим ва мактабгача таълимни молиялаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари:

— Вилоят марказлари ва туманларда бадал тўловлари МТМнинг кунлик ва соатлик иш вақтлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ўрганиб чиқилиб белгиланган.

Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларидан бошқа барча ҳудудларда бир нафар болага 30 фоизгача имтиёз берилган. Масалан, Наманган шаҳрида илк ёш гуруҳи тарбияланувчиси учун 64500 сўм, Чуст туманидаги боғчада худди шундай ёшдаги бола учун 45700 сўм тўланади.

Бир кунлик харажат ҳисобланганда, илк ёш гуруҳида ўртача 3100 сўмни, катта гуруҳда эса 4100 сўмни ташкил этмоқда. Ота-оналарнинг бадал тўлови кичкинтойларнинг белгиланган давлат меъёрлари асосида овқатланишига йўналтирилади. Ходимларнинг ойлик маошлари ва МТМни сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, ота-оналарнинг бадал тўлови МТМ умумий харажатларининг тахминан 20 фоизини қоплаб, қолган қисми давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Шундай экан, мудира ва тарбиячилар ҳукуматимиз томонидан йўлга қўйилган бундай иқтисодий қулайликларни ота-оналарга тўғри етказа билиши ва қамраб олинмаган болаларни ҳам МТМга жалб қилишлари лозим.

Зебо НАМОЗОВА тайёрлади.

Kasbga yo'naltirish

БОЛА РУҲИЯТИНИ АНГЛАШ

касбга тўғри йўллаш омили

Ўқувчиларнинг барча дарсларни бирдек ўзлаштиришига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири психолог хизматидир. Ана шундай вазифа зиммасига юклатилган амалиётчи психолог ўқувчилар билан алоҳида ишлашда ўзига хос ёндашувга эга бўлиши даркор. Бахмал туманидаги 1-умумтаълим мактаби амалиётчи психологи Дилноза Шертоева ёш бўлсада ўзига хос иш услубига эга мутахассислардан.

Ҳозир 1-синфга аксарияти етти ёшли болалар қабул қилинади. Айрим иқтидорлилар олти ёшдан мактабга келади. Улар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Тажрибали муаллим ҳар бир ўқувчига алоҳида педагогик ташхис дафтари юритган. Унда ўқувчиларнинг мактабга мослашиш жараёни қайд қилиб борилади. Жорий йилда 26 нафар 6 ёшли ўқувчиларнинг мослашув натижаларига кўра мутлақ мослашганлар 6, меъёрида мослашганлар 12, мослашуви секин кечганлар 8 нафарни ташкил этди. Жараёнда синф раҳбари билан ҳамкорликда ишлаш ижобий самараларга олиб келмоқда.

7 ёшдан қабул қилинган ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлаш мақсадида тест саволлари натижалари асосида зарур хулосалар чиқарилмоқда. Нисбатан паст кўрсаткич берган ўқувчининг ота-онаси билан тушунтириш ишлари олиб борилади ва кейинги икки ой давомида режа асосида ишланади. Ота-оналар фарзандининг мактабга қай даражада тайёр ёки тайёр эмаслигини кузатиб боради. Кейинги муддат — июль, август ойларида махсус концепция ёрдамида қайтадан тест олинганда ўқувчиларда 80 фоизгача ўзгариш кузатилади. Ота-оналарнинг тавсиялар асосида болалари билан қўшимча ўқув машғулотлари олиб бораётгани бошланғич синфларнинг дарсларни ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

5—7-синфларда «Синф зуккоси» методикаси ўтказилиб, энг кўп овоз тўплаганлар мактабнинг иқтидорли ўқувчилар банкига киритилиб, улар билан қўшимча ишлаш ва рағбатлантириш йўлга қўйилган. Ушбу концепциянинг қўлланиши туфайли ҳар бир синфда ўқувчиларнинг бир-бирига муносабати, иқтидори, ўқишга истак ва хоҳишлари ижобий томонга ўзгаргани кўзга ташланмоқда. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда паст ўзлаштирувчилар билан индивидуал ишлашда психолог ва синф раҳбарининг ҳамкорлиги қўл келаяпти.

Мактаб жамоаси, синф раҳбари, жамоат ташкилотлари ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги натижасида ҳар бир ўғил-қиз ўзи яшаётган ҳудудда ўқишбитирувчиларнинг келажакдаги касбини онгли равишда танлашига имкон яратмоқда. 8—9-синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш бўйича «Қизиқишлар харитаси», «Касб танлаш мотивини аниқлаш», «Шахс типлари ва уларга мос касбларни аниқлаш», «Дифференциал диагностик сўровнома» методларидан ўринли фойдаланилаётгани, уларнинг касб танлашда якуний хулосага келишида ёрдам бермоқда.

Шунингдек, бу жараёнда таълимнинг кейинги босқичини танлашга оид сўровномалар, учрашувлар йўлга қўйилгани, «Очиқ эшик куни», «Касблар фестивали» ҳамда бошқа кўрик-танловлар ҳам асқотмоқда.

9-синфларда ўтказилган сўровномаларда ўқувчиларнинг кўпчилиги тумандаги коллежларда ўқиш истагини билдирган. Ота-оналар билан мулоқот ва тушунтиришлар натижасида ҳар бир ўғил-қиз ўзи яшаётган ҳудудда ўқишнинг афзаллигини англаб етмоқда.

Амалий тажрибаларидан келиб чиқиб, психологнинг хулосалари: ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда қизиқишларини инобатга олиш, турли касбларга йўналтирувчи методикалардан, семинар-тренинглардан оқилона фойдаланиш, ўқувчининг айнан нимага, қандай соҳага қизиқишини тушуниб етишига эришиш; ота-оналар мажлисларини мунтазам ўтказиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш, таълим соҳасидаги ўзгаришлар хусусида давра суҳбатлари ташкил этиш; касблар фестивали, очиқ эшиклар куни каби тадбирларда фаол иштирок этиш орқали ўқувчининг тўғри касб танлашига амалий йўлланма беришдан иборат.

Дилноза ёш бўлишига қарамай, психологик чиқишлари, семинар-тренинглари билан фаоллик кўрсатмоқда. Психология хонасини замон талабидан келиб чиққан ҳолда жиҳозлаб, маслаҳат марказига айлантирган. Илмий-методик мақола ва тавсиялари матбуот нашрларида эълон қилинган. «Синфнинг зукко, аълочи, жамоатчи, етакчиларини танлаш», «Олти ёшли ўқувчининг мактабга тайёргарлигини аниқлаш» каби услубий қўлланмалар шулар жумласидан.

Дилноза Шертоева амалиётчи психологлар ўртасида ташкил этилаётган турли тадбирларда маҳорат ва иқтидорини синовдан ўтказмоқда. «Йилнинг энг яхши психологи» кўрик-танловининг республика босқичида 3-ўринни қўлга киритиши ана шу изланишлари самарасидир. Педагог иш жараёнида болалар руҳиятини аниқлаб, иқтидорини қўллаб-қувватлаш, тўғри касб танлашига кўмаклашишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ноанъанавий тарзда ташкил этиш ўқувчиларнинг унга бўлган ишончини янада оширмоқда. Ишонч бор жойда эса ижодкорлик, изланиш давом этади.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ma'rifat
2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

ШАХМАТ

БОЛАГА НЕЧА ЁШДАН ЎРГАТИЛГАНИ МАЪҚУЛ?

Болаларни 3-5 ёшдан спортга жалб этиш катта аҳамиятга эга. Чунки айни шу даврда ҳар бир боланинг характери шакллана бошлайди, ҳаётга теран кўз билан қарашга ўрганади. Спортга меҳр қўйган бола бир умр спортга ошно бўлиб қолади. Спорт боланинг нафақат саломатлигини мустаҳкамлайди, балки зарарли иллатлардан уни ҳимоялайди, характерини тоблайди.

Ислом КАРИМОВ

Шахматчилар ёшармоқда!

24 январь — 2 февраль кунлари Республика шахмат федерацияси биносида 8, 10 ва 16 ёшгача болалар ва ўсмирлар ўртасида республика чемпионати бўлиб ўтди.

Бугун бутун дунёда, айтайлик, 8-9 ёшли шахматчилар шахмат қоидаларини тўлиқ ўрганиб, ҳатто дебютларнинг асосий қисмини ўзлаштириб олган тажрибали шахматчилар ҳисобланади. Ўтмишда эса, масалан, Говард Стаунтон (1810—1874) 25 ёшидан, биринчи жаҳон чемпиони Вильгельм Стейниц (1836—1900) 18—20 ёшларидан, Зигберт Тарраш (1862—1934) 16 ёшидан шахмат билан жиддий шуғуллана бошлаганини эшитган бугунги ёш шахматчилар ҳайрон қолишлари тайин. Михаил Чигорин (1850—1908), Гарри Нельсон Пильсбери (1872 —1906) 16 ёшида, Ефим Боголюбов (1889—1952), Геза Мароци (1870—1951) 15 ёшида, жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган илк матч иштирокчиси Иоганн Герман Цукерторт (1842—1888) 13 ёшида, бешинчи жаҳон чемпиони Михаил Ботвинник 12 ёшида, Поль Морфи (1837—1884) 10 ёшида, Адольф Андерсен (1818—1879) 9 ёшида, машҳур дебютлардан бири — Нимцович ҳимояси муаллифи Арон Нимцович 8 ёшида илк бор шахмат тахтаси ёнига ўтирган.

XX асрга келиб шахмат кенг тараққий этиши ҳисобига уни эртароқ ўргана бошладилар. Мисол учун, жаҳон чемпионлари биографиясига назар ташласак, Александр Алёхин ва Михаиль Таль 7 ёшида, Роберт Фишер, Гарри Каспаров ва Вишванатан Ананд 6 ёшида, Макс Эйве, Рустам Қосимжонов ва Магнус Карлсен 5 ёшида, Хосе Раул Капабланка эса 4 ёшида бу кўҳна ўйин қоидаларини ўзлаштириб олганини кўриш мумкин. Хуллас, бугунги кунда болангизга шахматни қанча эрта ўргатсангиз, мураффақиятга шунча кўп эришади. Шу маънода бу йил Ўзбекистонда илк бор 8 ёшгача болалар ва қизлар ўртасида мамлакат чемпионати алоҳида ўтказилиши йўлга қўйилгани қувонарлидир. Шу пайтгача 8 ёшлилар 10 ёшгача тоифасида мусобақада иштирок этиб, якунда қўшимча равишда 8 ёшгача 1-ўрин ҳам белгиланар эди, холос.

Маълумки, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 2006 йилдан бошлаб 8 ёшгача ёш тоифаси жорий этилган. Осиёда эса, 6 ёшлилар ўртасида ҳам қитъа биринчилиги ўтказилади. Мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳатто 5 ёшгача бўлган ёш шахматчилар алоҳида гуруҳда ўз ёш тоифаси ғолиблиги учун кураш олиб боришади. Юртимизда [illegible] 5-6 ёшидаёқ халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётган иқтидорли болалар кўпаяётганини ҳисобга олсак(масалан, Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар), 8 ёшли ва ундан ёшроқ болаларнинг Ўзбекистон чемпионатида алоҳида гуруҳда мусобақалашишлари фарзандларимизнинг халқаро турнирларда янада салмоқли натижаларга эришишларига туртки бўлиши шубҳасиз.

Қолаверса, шахмат боланинг интеллектуал ривожланишида муҳим ўрин тутишини ҳисобга олсак, уни болага неча ёшдан ўргатган маъқул, деган савол туғилиши табиий. Баъзи ота-оналар эрта ўргатиш боланинг психологик ва жисмоний ҳолатига таъсир ўтказмайдими, деган саволларни ҳам беришади. Бу борада мутахассислар фикри билан қизиқдик.

Мутахассислар фикридан шундай хулосага келиш мумкинки, шахмат — интеллектуал ўйин сифатида боланинг ақлий ривожланишига туртки беради, қобилиятларини ривожлантиради, маънавиятини юксалтиради. Уни қанча эрта ўргатсангиз, бу жараёнлар шунча жадал кечади. Бугун бутун дунёда спорт, санъат ва фан сифатида қадрланаётган шахматнинг фарзандларимиз тарбиясидаги ўрни ҳам беқиёсдир.

Энди Ўзбекистон ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан оила бошлиғининг ўзига хос тажрибаси, шахмат билан шуғулланишнинг бола тарбиясидаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлари билан танишамиз.

Комил СИНДОРОВ:

Спортчи ҳеч қачон ютқазмайди

Бир пайтлари маҳалла-кўйда битта ёмон бола бўлса, "болам ёмонга қўшилиб кетмасин" дея ота-оналарнинг жони ҳалак эди. Бугун фарзандларимиз уйдан чиқмай "одноклассники", "дўстлар орттириш" ва бошқа кўплаб сайтлар орқали "ёмонларга қўшилиб кетиш, улар билан дўстлашиш имконига

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилган, ҳаётимизга анчагина қулайликлар олиб келган қўл телефон ҳозир деярли барча одамда бор. Кимларда икки, учтадан... Унинг интернет тармоғига улана оладиган, камера ва бошқа қулайликларга эга бўлган турлари ёшларни ўзига тобора кўпроқ ром этмоқда. Ўқишда, ишда, уйда, кўчада – кечаю кундуз телефонни қўлдан қўймайдиган, интернет титиб, турли хил бемаъни ўйинлар, беҳаё фильмлар, бетайин томошалар кўришдан чарчамайдиган, энг асосийси, олтинга тенг вақтини бекорга сарфлаётган, қимматли соғлиғини йўқотаётган ёшларнинг янги авлоди кўз олдимизда шаклланиб келмоқда. Бу мудҳиш "телефон касаллиги" кундан-кунга томир отиб, тобора кўпроқ ёшларни ўз домига тортиб бормоқда. Назаримда "касаллик" кундан-кунга "яшариб" кетаётгандай...

Хизмат сафаридан қайтаётгандим. Самолётга бир жувон кўлида чамаси олти ойлик чақалоғи билан чиқиб келиб, ёнимдаги жойга ўтирди. Бола тинмай йиғларди. Она боласини ўриндиққа қўйиб, шошапиша қўлидаги сумкаларни титкилай бошлади. "Аёл боласини овутиш мақсадида егулиқми ёки бирор ўйинчоқми берса керак" деган хаёлга бордим. У эса сумкасидан планшет чиқарди! Ғазабим қўзиди... "Наҳотки, гўдак чирқиллаб турган пайти бу аёл компьютер ўйнаса!!!". Жувон планшетни очиб, ниманидир қўйди... Шунда чақалоқ шартта йиғидан тўхтади. Қўзидан оқаётган шашқатор ёши билан компьютерга тикилиб қолди...

— Шу қурғурга ўрганиб қолган, бермаса, жанжал қилади, — деди аёл ҳайратланаётганимни сезиб.

Самолёт Тошкентгача уч ярим соат учди. Болакайнинг йиғлашга "қўли тегмади"... Мен эса хаёллар оғушида қолдим...

Ахир ёшларимизни ўзига маҳлиё этаётган ўша бемаза фильмлар, бетайин мусиқаю томошалар, қиргинбарот ўйинларнинг асл мақсади уларнинг қалбидан меҳру муҳаббат, раҳм-шафқат, иймон-эътиқод, диёнат, садоқат, вафо, фидойилик, эзгулик каби олий қадриятларни сидириб чиқариш ва, аксинча, бу мурғак юракларга қаҳр-ғазаб, хиёнат, ҳудбинлик, ёвузлик уруғини сепишдан иборат эмасми?

Франция ёшларининг ҳар учтасидан биттаси оила, турмуш қуришни инкор этаётгани, Европанинг манаман деган давлатларида бир жинсли никоҳга рухсат берувчи шармандали қонуннинг қабул қилинганлиги бизни бу хусусда жиддийроқ бош қотиришга ундайди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Ёшларни бу сиртмоқдан қандай қутқариш мумкин? Бугун ҳар бир ота-она, ҳар бир мураббий ана шу масала хусусида ўйламоғи, чора изламоғи шарт! Зеро, бу жараён бошланганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Демак, олдини олса бўлади. Яна беш-ўн йилдан сўнг эса кеч бўлиши мумкин...

Мен бир бува сифатида ана шу масала хусусида кўп бош қотирдим...

Неварам Жавоҳир 2 ёшида компьютерга қизиқиб қолди. Бошида кичкинагина гўдакнинг турли хил мураккаб ўйинларни маҳорат билан ўйнаши бизни ғурурлантирди. Ундаги қизиқиш кундан-кунга ортар, маҳорати ошиб борар эди. Кейинчалик эса компьютерсиз туролмайдиган, жанжал кўтарадиган, хархаша қиладиган, тажанг ва асабий бўлиб қолди. Тақиқлашлар, чеклашлар кор қилмасди. 3 ёшида карра жадвалини тўлиқ ёдлаб олган иқтидорли неварамнинг келажаги мени кўпроқ ташвишга сола бошлади...

Ниҳоят, бир фикрга келдим. Боланинг хотираси кучлилиги менга йўл кўрсатди. Бир куни уни спорт дўконига олиб чиқиб, яхши шахмат доскаси олиб бердим. Сипоҳларни тизиб, қандай юришини ўргатдим. Бир-икки кунда ўйинни ўрганиб олди. Қарасам, қизиқиши ҳам ёмон эмас. Кейин уни етаклаб, мураббий Сабоҳат Зайниддинованинг олдига олиб бордим... Шундай қилиб, кечагина компьютерсиз туролмайдиган Жавоҳир тўрт ярим ёшида шахмат билан жиддий шуғуллана бошлади. Энди унинг вақти чегараланган эди. Ундан атиги бир ёш кичик бўлган неварам Исломбек ҳам акасидан кўриб, шахматга қизиқа бошлади. Мен билан ўйнаш учун ишдан келишимни эшикда пойлаб ўтирарди...

Имконияти чекланган ёшлар ўртасида шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сироджиддин Зайниддинов синглиси Сабоҳат билан бирга уларга шахмат сирларини қунт билан ўргата бошлади.

Орадан бир йил ўтиб, улар шаҳар, республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок эта

бошлади. 2012 йил декабрь ойида Деҳлида бўлиб ўтган мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида Жавоҳир олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди. Исломбек эса кумуш медал билан чекланди. 2013 йил неваларим учун омадли йил бўлди. Январь ойида Жавоҳир 7 ёшида ўн ёшгача болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди ва жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Июнь ойида Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Исломбек ўзига хос рекорд ўрнатди. У 6 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахматнинг рапид, классик, блиц йўналишлари бўйича 21 партиядан 20тасида ғолиб бўлиб, бирйўла 3 олтин медални қўлга киритди. 20дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этган нуфузли мусобақада ортимиз байроғини 3 карра баланд кўтарди. Жавоҳир эса 8 ёшгача болалар гуруҳида иштирок этиб, классик шахматда тўртинчи, блицда эса иккинчи ўринга сазовор бўлди. 3 олтин, 2 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон ёшлари умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Ўтган йили декабрь ойида неваларим Бирлашган араб амирликларининг Ал-Айн шаҳрида бўлиб ўтган 8—18 ёшли болалар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этишди. Бу чемпионатда 6 ёшгача болалар ўртасида мусобақалар ташкил этилмаганлиги учун Исломбек 8 ёшли болалар гуруҳида қатнашди. Гуруҳдаги энг ёш шахматчи сифатида бу чемпионат унга тажрибасини ошириш учун маҳорат мактаби бўлди. Шунга қарамай 180 қатнашчи орасида классик шахматда эллигинчи, тезкор шахматда йигирма тўртинчи ўринни эгаллади.

Жавоҳир эса, классик шахматда кучли ўнликдан жой олган бўлса, тезкор шахматда 6 очко билан 2—4-ўринларни бўлишди. Бу натижалардан биз ҳам, уларнинг ўзлари ҳам қаноатланишмади. Демак, ҳали ўрганиш, изланиш, тинимсиз шуғулланиш лозим бўлади...

Ҳозир улар 4-5 соатлаб устозлари ёнида шахмат сирларини ўрганмоқдалар. Шахмат кўп ўтиришни талаб қилганлиги сабабли, саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар куни неваларим билан бир соат футбол ўйнайман. Кичик неварам Ҳумоюн ҳозир 4 ёшда. Футболга қизиқиши кучли. Шу сабабли у билан алоҳида шуғулланишимга тўғри келмоқда. Айни пайтда у тўпни бемалол бошқара олади, зарбаси ҳам кучли. Номдор футболчи бўлса ажабмас.

Ҳар бир болада ўзига хос қобилият бўлади. Бу яширин истеъдодни рўёбга чиқариш ота-онага, устозларга, сизу бизга боғлиқ. Биз буни вақтида пайқамасак, боладаги истеъдод юзага чиқмай қолиши мумкин.

Неваларим билан доимий шуғулланиш, мусобақаларда уларга ҳамроҳлик қилиш, юриш-туришини назорат қилиш нақадар қийин, мураккаб вазифа бўлмасин, менга завқ-шавқ бағишлайди...

Танланган йўл уларга имкон эшикларини очади деб ўйлайман. Асосийси, мен ўз мақсадимга эришдим. Уларни компьютер, телефон "касаллиги"дан сақлаб қола олдим ва бир нарсага амин бўлдим: ёшларимизни бу касалликдан асраб қолишнинг энг тўғри воситаси жисмоний тарбия ва спорт экан. Спорт билан мунтазам шуғулланиш, биринчидан, болаларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлайди. Демак, уларни нотўғри йўлга кириб, турли хил бемаъни машғулотларга берилиб кетишдан асрайди. Иккинчи томондан, жисмонан соғлом, кучли ва баркамол ўсишига замин бўлади. Яна бир жиҳати, спорт, айниқса, шахмат инсоннинг ақлини чархлайди, қалбини поклайди, йўқотилган ақлий ва жисмоний қувватини тиклашга хизмат қилади.

Юртбошимиз бу йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилгани бежиз эмас. Соғлом бола — жисмонан бақувват ва кучли, ақли теран, билимли, зукко ва доно, қалбан пок инсондир.

Тўғри, биринчи бўлиш, чемпионлик тожини кийиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аммо спорт билан шуғулланган киши, спортчи ҳеч қачон ютқазмайди.

Хусан НИШОНОВ тайёрлади.

Тўрт ёшда ўргатиб, олти ёшда тўгаракка...

Маматқул ХАЙЛАЕВ, FIDE устаси, мураббий:

— Жаҳон чемпиони Хосе Раул Капабланка 4 ёшида отаси ва қўшнисининг ўзаро шахмат ўйнашини кузатиб ўтиришни ёқтирар эди. Бир куни у отасининг от билан хато юрганлигини пайқаб қолади. Тўғри юришни кўрсатиб бериб, отасини ҳайратга солади. Чунки 4 яшар болакай шахмат ўйнашни шунчаки кузатиб ўтириб ўрганиб олган эди.

Александр Алёхиннинг ноёб қобилияти ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар бор. 8 – 10 ёшларида Алёхиннинг хотираси шунчалик кучли бўлганки, бир неча саҳифа китобни бир ўқишда ёдлаб олган, бир неча киши билан ғойибона, хотирасига таянган ҳолда шахмат ўйнай олган.

Самуэл Решевский 6 ёшидаёқ шахмат ишқибозларига сеанс бера бошлаган.

Бу каби мисоллар тарихда жуда кўп. Ноёб истеъдод ёш танламайди. Эртами-кечми бўй кўрсатади. Одатда, аксарият болалар 2-3 ёшида бемалол гапириб, 4 ёшида муайян йўлни танлай олади. Айрим болалар 6 ёшгача жуда камгап бўлади. Оилавий муҳит, бола атрофидаги шарт-шароитлар қобилияти шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Болага шахматни 4 ёшидан бемалол ўргатиш мумкин. Лекин қандай ўргатиш, боланинг қизиқишини уйғота олиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки у бошқа ўйинлар орасидан шахматни танлай олиши лозим. Мамлакатимизда ҳам юзлаб 5-6 ёшли бола шахмат мусобақаларида иштирок этишмоқда. Кўпгина давлатларда 6 ёшли болаларга шахмат дарслари ўтиш йўлга қўйилган. Бу тажрибани бизда ҳам жорий этиш, умумтаълим мактаблари ўқув дастурига шахмат сабоқларини киритиш фойдадан холи эмас. Негаки, шахмат боланинг мантиқий тафаккурини кучайтириш, хотирасини мустаҳкамлаш, пировардида бошқа фанларни ҳам пухта ўзлаштиришига ёрдам беради.

Фарзандларининг юқори натижаларга эришишини истаётган ота-оналар уларга 4 ёшидан шахмат қоидаларини ўргатишлари, 6 ёшидан шахмат тўгаракларига беришларини тавсия этиш мумкин.

Тили чиққанидан ўргата бошланг

Махмуд ЙЎЛДОШЕВ, психолог:

— Ахборот тарқалиши тезлашиб кетган ҳозирги даврда биз психологларга тез-тез савол беришади: болани қачон ўқитиш ва ўргатиш мумкин? Бу саволга турли даврларда турлича жавоб беришган. Масалан, халқимизда уч-тўрт ёшдан бошлаб шеърлар ёдлатиш, ҳарфларни ўргатиш тажрибаси бўлган. Алишер Навоий бобомиз 4 ёшида кўплаб шеърларни ёддан билганлиги ҳаммамизга маълум.

*Психологларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, бола туғилганидан то уч, кўпи билан тўрт ёшгача ўз сўз бойлигини йиғиб улгурар экан. Шу ёшдан бошлаб улар оддий предметларнигина эмас, абстракт сўзларни, айтайлик **шамол, уйқу, қўшиш, ўртоқ, оғриқ, хурсанд** каби сўзлар маъносини ва бошқа тушунчаларни ўз онгига сингдириб улгуради.*

Мана шу жойда яна бир саволга жавоб бериб кўрайлик: болага шахматни қачон ўргатса бўлади? Бундай қараганда, ўта оддий саволга ўхшайди. Аммо шахматнинг абстракт тушунчалар билан боғлиқлигини инобатга олсак, шахматни ўргатишни гўёки уч-тўрт ёшлардан бошлаган маъқул, деган жавоб келиб чиқади. Аммо аслида ундай эмас. Биз юқорида болаларга предмет тушунчаларининг уч ёшгача сингиб улгуришини таъкидлаб ўтдик. Шунинг учун ёш болага бир ёшидан, худди тили чиқиб гапира бошлаганидан шахмат доналарини мана бу — от, буниси — фил деб ўргатаверса бўлади, деган фикрга келамиз ва бу амалда қўлланилган ҳам.

Демак, шахматни қачон ўргатса бўлади, деган саволга ҳам ўта оддий қилиб жавоб берib бўлмайди. Аммо шахмат ўйин сифатида абстракт тушунчалар билан боғлиқлигини унутманг дейишимиз мумкин, холос.

*Бугунги кунда бир, бир ярим ёшдаги боланинг ҳамма ҳарфларни билиб олиши, ҳатто бир бўғинли сўзларни ўқий олиши ҳеч кимга сир эмас. Масалан, неварам бир ярим ёшда бўлишига қарамасдан ҳамма ҳарфларни билади, бир бўғинли сўзларни ўқийди. "Ўқийди" деган сўзни анча оддийроқ тушуниш лозим. У ўқимайди, агар олдига **ота, она, ака** сўзларини ёзиб қўйсангиз, уларни сиз ўқиганингизда бу ким эканлигини кўрсатади ва ортингиздан такрорлайди. Уч тилда бешгача санайди, машиналарнинг жуда кўплаб маркаларини расмларига қараб ёки кўчада кўрганда айтиб бера олади. Шуни унутмаслик керакки, бу машқларни доимий қайтариб туриш керак, акс ҳолда, бир-икки ой такрорлаб турмасангиз улар бу маълумотларни унутиб юборишади. Бу ҳам бутунлай унутиб юборади дегани эмас, уларнинг енгил хотирасидан ўчиб кетади-да, кейинчалик зарур бўлган пайти қайта тикланиши мумкин.*

Шунинг учун боламизга доимо ҳар қандай имкон туғилган пайти бирор нарсани ўргатиб боришни унутмаслигимиз зарур. Жумладан, шахматни ҳам.

Уч ёшдан рухсат берилади

Лола АЛИМОВА, Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиника психиатри, невропатолог:

— Шахмат, шашка ва шунга ўхшаш ўйинларни ўргатиш, албатта, боланинг мия системаси ривожланишининг жадаллашишига, фикрлаш қобилиятининг тезлашишига ёрдам беради. Қайси ёшдан ўйнашига рухсат этилиши, бу ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишига қараб белгиланади. Зийраклик, топқирлик хусусиятларининг генетик алмашинуви, қолаверса, оилада жисмоний ва руҳий соғлом муҳитнинг таъминлангани ҳам боланинг шахмат ўйинини яхши ўзлаштириши, у билан боғлиқ психик мураккабликларга учрамаслигини таъминлайди.

Соғлом бола бир ёшгача энг камида 8 сўзни ёд олган, 2 ёшда эса тўлиқ мулоқот қилишга лаёқатли бўлиши керак. Агар бу ҳолатлар кечикаётган бўлса, ота-оналар уларга қисқа ва содда шеърлар ёд олдиришлари, эртаклар айтиб беришларини тавсия этамиз. Нормал ривожланиш босқичида бўлган болада турли туғма руҳий ҳамда психоэмоционал ўзгаришлар кузатилмаган бўлса, психоневрологик касалликлар аниқланмаса, ундай болаларга ўзининг хоҳиш ва қизиқишига қараб 3 ёшидан шахмат ўйинини ўргатишга рухсат берилади. Боғчаларда ҳар бир боланинг руҳий ва жисмоний ривожланиши билан боғлиқ масалаларда муассаса шифокорлари, психологлари ҳамда ота-оналар ҳамкорлигида тез-тез давра суҳбатлари ўтказилиб турилса ва уларга шахмат, шашка каби фойдали ўйинлар ўргатилса, болаларнинг руҳий ривожланиши учун катта самара беради.

эга. Биз уларни кўрмай ҳам, сезмай ҳам қоламиз. Боламиз кимлар билан дўст тутинган, кимлар билан, нималар ҳақида гаплашмоқда, нималарни эшитиб, нималарни кўрмоқда, ўй-хаёлида нималар бор — бизга қоронғи. Айрим "тушунган" ота-оналар мактабдан келибоқ телефонидан кўзини узолмаётган, ҳатто овқат маҳали унга "ёпишиб олган", баъзида кечалари бедор телефонини "кавлаётган" боласига танбеҳ бериш билан чекланишади. Баъзилари кўча-кўйда санғиб юрмасдан, уйгинасида, тўполон кўтармай, жимгина бир бурчақда телефонда "ўйин" ўйнаб ўтирган боласига эътироз билдирмайди. Бошқалари эса меҳмон келганда, катталаринг гапи қизиб кетганда, халал бериб, уйни бошига кўтараётган болаларини компьютер ёки мобил телефон билан "тинчитади"...

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

Inson va qonun

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Мустақиллик йилларида экологик хавфсизликни таъминлаш, ер ва ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, тиклаш ҳамда келажак авлодга бус-бутун етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида, жумладан, "Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди", дея таъкидлаганди. Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси томонидан "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилиб, 2013 йил 12 ноябрда қабул қилинди, Сенат томонидан эса 2013 йил 12 декабрда маъқулланди.

Мазкур қонуннинг амалда бўлиши бир қатор хусусиятлари билан аҳамиятлидир:

биринчидан, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиши билан;

иккинчидан, экологик назорат табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг асосий бўлаги сифатида белгиланганлиги билан;

учинчидан, мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини ўзида акс эттириши ва мустаҳкамлаши билан;

тўртинчидан, экология соҳасида давлат бошқарувининг асосий элементи эканлиги билан;

бешинчидан, давлатнинг экология соҳасидаги назорат функциясини мустаҳкамлашдаги аҳамияти катталиги билан;

олтинчидан, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга, барча экологик қонун талабларини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан;

еттинчидан, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда муҳим асос бўлиши билан.

"Экологик назорат тўғрисида"ги қонун 4 боб, 27 моддадан иборат. Биринчи боб «Умумий қоидалар" деб номланиб, қонуннинг мақсади, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, экологик назорат тушунчаси, турлари, асосий вазифа ва принциплари, давлат сиёсатининг айни соҳасидаги асосий йўналишлари, экологик назорат объект ва субъектлари батафсил кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, 3-моддада экологик назорат тушунчасига илк маротаба "атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чоратадбирлари тизимидир", дея таъриф берилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик, холислик, мустақиллик, ошкоралик, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир(5-модда), деб кўрсатилиши экологик назоратнинг амалга оширилиш ҳолатларини янада мустаҳкамлайди.

Яна бир эътиборли жиҳат, қонуннинг 6-моддасида экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланган:

экологик назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф-муҳитни яратиш;

экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар ташкил этиши ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик экологик назорат объектлари сифатида эътироф этилган.

Шунингдек, экологик назорат субъектлари масаласига ҳам эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ташкил этиши кўрсатилган (8-модда).

Энг асосийси, қонуннинг 9-моддасида экологик назоратнинг турлари аниқ кўрсатиб берилди:

давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назорати.

Давлат экологик назорати атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоидалари ва талабларининг барча вазирликлар, давлат қўмиталари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чоратадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Идоравий экологик назорат вазирликлар, давлат қўмиталари ва ўзига бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини назорат қилувчи идораларнинг экологик хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш экологик назорати табиат ресурсларидан фойдаланиш ёки атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда бевосита амал қилади.

Жамоатчилик экологик назорати атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик қонунчиликни амалиётда қўллаш жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар (касаба уюшмалари, маҳалла йиғинлари, жамғармалар) ва фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг иккинчи боби экологик назорат субъектларининг ваколатларига бағишланган. 10–18-моддаларда ҳар бир субъектнинг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ ўз ифодасини топган. Бу эса мазкур институтларнинг ташкил топганлиги ва бундан кейинги ривожланишини мустаҳкамлайди.

Учинчи бобда экологик назоратни амалга ошириш тартиби, экологик назоратнинг шакллари ва усуллари, экологик назорат натижаларини расмийлаштириш, экологик назорат натижаларини рўёбга чиқариш шакллари каби долзарб масалалар аниқ кўрсатилган.

Қонуннинг тўртинчи боби «Якунловчи қоидалар» деб номланиб, экологик назоратни амалга оширишга аралашишнинг тақиқланиши, низоларни ҳал этиш, экологик назорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш, ушбу қонуннинг кучга кириши каби масалалар кенг ва атрофлича ўз ифодасини топган. Айниқса, қонуннинг 23-моддасида белгиланган норма ўта муҳим бўлиб, экологик назоратни амалга оширишга аралашиш, экологик назоратни амалга оширувчи мансабдор ва ваколатли шахсларга, жамоатчи инспекторларга ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланиши тартибини мустаҳкамлайди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг яратилишидаги бир қатор янги ҳолатларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Биринчидан, мазкур қонун экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, бозор шароитида табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига мос амалга оширилишини таъминлайди.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда экологик назорат соҳасидаги муносабатлар ва улар билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муаммоларини янада кенгроқ ўрганишни тақозо этади.

Учинчидан, ушбу қонун ўзида илк маротаба экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор тушунчаларни, яъни: экологик назорат, давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назорати каби тушунчаларни ўзида ифода этгани билан аҳамиятли.

Тўртинчидан, барча экологик қонун талабларини амалга оширишни тақозо этиб, экологик назорат соҳасидаги муносабатларни тегишли вазирлик, қўмита ва ваколатли ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда тартибга солишини ва бу соҳадаги ёндашув жараёнларини мустаҳкамлайди.

Бешинчидан, мазкур қонун экологик ҳуқуқий таълим-тарбиянинг узлуксизлиги, чамбарчас олиб борилиши ва ўқитилишига ҳамда оилада олинган экологик ҳуқуқий билимлар самарадорлигига эришишни, экологик ва аграр қонун талаблари ҳамда моҳиятини аҳолига ва ёшларимизга кенгроқ тушунтиришни ҳам талаб этади. Зеро, ҳозирги кунда оилада ва жамиятимизда ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим-тарбияси, маънавияти ва маданиятини юксалтириш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Олтинчидан, мазкур қонун барқарорлик, тарихийлик, замонавийлик ҳамда халқаро талабларга мос бўлиб, унинг нормалари, принциплари узоқ муддатли даврни ҳисобга олиб қабул қилинган.

Бир сўз билан айтганда, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун мамлакатимизда экологик назоратнинг жаҳон андозалари талаби асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши, мавжуд экологик қонунларимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек, ёшларимизда экологик-ҳуқуқий маданиятни замон талаблари асосида шакллантиришга, ўқувчи-ёшларга экологик-ҳуқуқий тафаккурнинг моҳияти ва мазмунини янада кенгроқ тушунтиришга, келажак ҳаётимиз учун масъулият билан яшашга, соғлом болани дунёга келтириш ва тарбиялашга катта ёрдам беришига ишонамиз.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
ТДЮУнинг "Экология ва аграр ҳуқуқи" кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг аввалги сонларида.)

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТ ЭГАЛАРИНИ ҚАДРЛАГАН?

Ўзбек боласини бир ажиб миллий меҳр билан суяди. У буни кўпинча гапирмайди. Туяди. Ич-ичдан. Ҳапқириб. Ўзи давлат сиёсати даражасида фарзандсевар, зурриёдсевар миллатлар тобора камайиб бораётир. "Бизни ҳеч ким қўллаб-қувватламаган. Ҳар бир авлод ўз муаммоларини ўзи ҳал қилсин-да", деганга ўхшаш хулоса чиқади уларнинг амалларидан.

Бизда болаларга ўзбекона муносабат устувор. Ўзимизнинг ейиш-ичишимиз, зару зебардан тежаб бўлса ҳам, болаларимга бўлсин, деймиз. Болам деб яшайди ўзбек, деган машҳур шеъри ҳам бор Муҳаммад Юсуфнинг. Ёш авлодга миллий меҳр мустақил давлатимизнинг устувор сиёсатига айланган.

Комиллик. Камолот. Камолат. Баркамол. Мукаммал одам. Комил инсон. Пири комил... Бу сўз-ибораларни кўп эшитамиз, айтамиз, ўқиймиз. Луғатларда "комил" сўзи тўлиқ, етук, мукаммал маъноларини, "баркамол" эса етукликка эришган, камол топган, бекаму кўст маъноларини бериши айтилади. Янада аниқлаштирсак, бекам — бирор жиҳатида ками, кемтиги йўқ; бекўст — бирор эгри ёки ортиқча жойи йўқ, бенуқсон дегани.

Комил инсон ғояси асрлар давомида эртагу достонларда, ривояту ҳикоятларда, китобларда, миллий қадрият ва урф-одатларида келаётир. Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби алломаларимиз асарларида миллий тарбиямизнинг бош ғояси бўлиб келди. Жаҳон сайёҳларини мафтун қилаётган меъморий обидалар, қасрлар, мадрасалар пештоқларида, деворий суратларда, нақшу нигорларда ҳам боболаримизнинг (бугунги тилда айтсак) ғоялари битилган. Уларда "Комил инсон" ғоямизнинг турли талқинлари бисёр. Шу боис ҳам ҳақли равишда "Ўзбекистон — жаҳонга комил инсон ғоясини берган буюк цивилизация марказларидан бири", дея оламиз. Ҳа. Комил инсон ғояси биз учун бугун кўтарилган ғоя эмас. Бу таълимот миллий тарбиямизнинг туб негизларидан келаётир.

2007 йил 30 январь куни туғилган Исломбек Синдоров 2013 йили, 6 ёшида шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлди. Сизнинг фарзандингиз, эҳтимол, бошқа йўналишда чемпион бўлар. Балки 10, 15, 20, 30 ёшида ўзини кўрсатар. Балки Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлар...

Агар машина, уй-жой, пул, фарзанд, иш, мансаб-мартабани қатор қилиб қўйиб, "Шулардан қайси бири учун қолган ҳаммасидан кеча оласиз?" дейишса, нима дердингиз? Ҳа. Сиз ҳам фарзандни танладингиз. Негалигини бўйдоқ йигит-қизлар билолмас. Бироқ ота бўлган, она бўлганлар билади.

Болангиз — янги сиз! Янги замонда туғилган, яшаётган сиз. Унинг сизга ўхшашини ҳамма билади. Лекин жуда ўхшашини фақат сиз биласиз. Ич-ичингиздан сезиб қўясиз. Фахрланиб, ифтихорланасиз. Фарзандингиз — 10, 12, 15, 18, 23 ёшдаги, ўсаётган одам. Унга озгина ёрдам берилса, янада кучли бўлади.

Соҳибқирон бобомиз "Темур тузуклари"га **"Ази қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир"**, деган хулосани муҳрлади. Бу ҳикмат буюк инсон, саркарда, давлат раҳбарининг минглаб одамларни энг қийин вазиятларда синаб кўриб, айтган доно педагогик хулосаси эди. Чунки билими паст одам эртага ўзига, маънавияти паст одам эса халқи, ватанига зарар етказади ёки аксинча.

Амир Темур ўз атрофига ана шу 5 фазилат соҳибларини тўплаб, уларга раҳбарлик қилиб буюк мақсадларга эришди. Буюк, адолатли салтанат яратди. Шу боис ўз тажрибасидан келиб чиқиб, нафақат фарзанду набираларини, балки ҳар бир фуқаросини қатъиятли, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли кўришни истаган.

Афзал кишиларни тарбиялаш — бир кишида 1000 кишининг имкониятини мужассам қилишга қаратилган эди. Бунинг аҳамияти XXI асрда яна ҳам ошди. Таъбир жоиз бўлса, илгари сурилган афзал кишиларни тарбиялашнинг универсал концепцияси моҳияти 5 фазилатли 1 киши шу фазилатларга эга бўлмаган 1000 кишидан афзаллигига асосланади. Булар: қатъият, тадбиркорлик, ҳушёрлик, мардлик ва шижоатдир. Бунга Соҳибқирон ва унинг баҳодирлари, бошқарувчилари мисол.

"Афзал киши"дан ҳозирги кино, комикслардаги довдир-полвонлик, елкасига ракета боғлаб учиш, трансформерлик ҳам, сеҳргарлик ҳам, суперменлик ҳам талаб қилинмайди. "Афзал киши" — реал педагогик натижа. Ундан ҳар бир йигит-қизда тарбияласа бўладиган 5 маънавий фазилат кутилади. Мана шу 5 фазилат оддий одамни ҳам ғайратли, шиддатли "супермен"га айлантира олади. Ана шундай одамлар Амир Темур атрофида бирлашиб, кеча-кундуз қилган меҳнатлари билан адолатли давлат ва бунёдкорликнинг қандай бўлишини оламга кўрсатиб кетдилар.

Масалага мана бундай ёндашиб кўрайлик: 1000:5=200. Демак, бир фазилат хосияти 200 бехислат одамга тенг деса ҳам бўларкан. Ҳа. Юксак маънавият — енгилмас куч! Бу аксиома нафақат ижтимоий, балки аниқ фанлар нуқтаи назаридан олиб қарасангиз ҳам тўғри чиқаверади.

(Давоми бор.)

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

МОҲИР ҚЎЛЛАР СЕҲРИ

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Нозима Абдусаматова миллий либослар тикиш бўйича ўзига хос услубга эга моҳир дизайнер сифатида танилган.

У яратган либосларда миллийлик ва замонавийлик ғоят нафис тарзда уйғунлаштирилгани боис буюртма берувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳунармандчилик йўналишида вилоят ва мамлакат миқёсидаги кўргазма ҳамда танловларда муваффақиятли иштирок этиб келаётган Нозима "Устоз-шогирд" анъаналари асосида ўнлаб қизларга тикиш ва бичиш сирларини ўргатмоқда. Айни пайтда Наманган шаҳридаги 26-меҳрибонлик уйининг йигирмадан зиёд тарбияланувчи қизларига ҳам тикувчиликдан сабоқ бераётир.

Суратда: дизайнер Нозима Абдусаматова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАР ТЎГАРАГИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларида ўқиётган қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларда касб-кор малакасини ҳосил қилишга жиддий эътибор қаратилянти. Ана шу мақсадда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўгараги фаолиятига аксарият академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида гувоҳ бўлиш мумкин.

Сергели тиббиёт коллежининг барча босқич ўқувчиқизлари учун «Ораста қизлар» тўгараги ташкил этилган бўлиб, ҳафтанинг ҳар душанба куни қизлар билан қизиқарли машғулот ўтказилмоқда. Тўгаракда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳамшира, психолог, ҳудудий 12-оилавий поликлиника ходимлари фаол иш олиб бормоқда.

«Ораста қизлар» тўгарагида ўқувчи-қизларга инсон саломатлиги, бахтининг пойдевори экани, ана шу хазинани сақлаш эса тиббий маданиятга боғлиқлиги ҳақида батафсил маълумот ва тавсиялар бериб борилади. Ўзбек хонадонида саранжомсаришталикка, орасталикка тозаликка азал-азалдан қатъий амал қилиниши, ҳар бир оиланинг файзу тароватн, орасталиги буви-бува, ота-она, фарзандларнинг одоби, хулқ-атвори кўзгуси эканлиги уқдирилади.

Тўгаракнинг 2013-2014 ўқув йилига мўлжалланган чора-тадбирлар режасига асосан, туман ҳокимияти, «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари билан ҳамкорликда 1-босқич ўқувчилари орасида «Энг намунали ораста қиз» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Кўрик-танловда ўқувчиқизлар жамиятдаги турли ҳолатларга, бугунги долзарб муаммоларга нисбатан ўз фаол муносабатини қандай шакллантирганлиги синовдан ўтказилади. Ота-она ва фарзанд муносабатларини мустаҳкамлаш, оиладаги соғлом ва носоғлом маънавий муҳитнинг қизлар онгига таъсирини очиб бериш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжатлар моҳиятини англаб етиш, одам савдоси ва унинг оқибатларидан хабардор бўлиш каби муҳим масалалар ҳам эътибордан четда қолмайди.

Кўрик-танловда 1, 2, 3-ўринни эгаллаган 9 нафар ўқувчи, қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. 1, 2-ўрин соҳибалари кўрик-танловнинг туман босқичида қатнашиш имкониятини ҳам қўлга киритди.

Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Сергели тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Mashhurlar hayotidan

БАҲСЛАРДА ТУҒИЛГАН КАШФИЁТЛАР

Тарихда вақт ўтса ҳам кашфиётлари эскирмайдиган шахслар борки, улар фанда ўзларининг мустаҳкам ўринларига эга. Ана шундай олимлардан бири машҳур италиялик физик, астроном, математик ва файласуф Галилео Галилейдир. Унинг асарлари ҳозирги замон табиатшунослигининг пойдеворидир. Галилейнинг илмий меросини, педагогик ва услубий қарашларини ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Ҳозир бутун жаҳонда машҳур итальян олими Г.Галилей (1564—1642) таваллудининг 450 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Галилео Галилейнинг физика, астрономия ва математикани ривожлантиришдаги хизматлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.



Г.Галилей 1564 йил 15 февралда Италиянинг Пиза шаҳрида дворян оиласида туғилди. Отаси Винченцо Галилей машҳур машшоқ, коллекционер бўлибгина қолмай, мусиқа назарияси ва ҳатто математикадан ҳам хабардор бўлган. Галилей мусиқачи бўлиш орзусида эди. Лекин отаси уни Евклид ва Архимед асарларини ўрганишга даъват этади. Архимед унинг бутун ҳаёти давомида севимли ўқитувчиси бўлиб қолди. У математика билан мунтазам шуғулланиб, физик тажрибалари орқали 1586 йили биринчи мустақил иши — гидравлик тарозисини яратади. Шунингдек, Галилей физика, астрономия ва математика фанлари учун муҳим бўлган кўп ишларни амалга оширди.

Галилео Галилей ўқитувчилик фаолиятини Пизан университетида бошлайди, кейинчалик Падуген ва Флоренция университетларида давом эттиради. Пизан университетида математика профессори лавозимида ишлаган олим астрономия ва математикадан маърузалар ўқийди. Шунингдек, фалсафа ва табиий фанлар факультетларида ҳам дарс беради, ўқув курслари ёзади, талабаларга Сфера ва Евклид, Птоломейнинг "Алмагест"и, Евклид ва Аристотел механикаси, сайёраларнинг ҳаракати ҳақида билим беради. Кейинчалик олим маърузаларида гелиоцентрик назарияси(Қуёш коинотнинг марказидир деган таълимот)ни асослашга эътибор қаратади. Галилей ўз кашфиётларини ўша даврнинг энг кучли олимлари билан муҳокама қилди. Илмий муваффақиятлари учун 1611 йили Европадаги биринчи илмий жамият — Линчелия академияси аъзолигига қабул қилинди.

Ҳамфикрлари қатори, унинг душманлари ҳам бор эди, айниқса, черковга хизмат қилувчилар унга қарши бўлган. 1616 йили махсус декрет, қонун кучига эга бўлган фармойиш билан Коперник таълимотини тарғиб қилиш ман этилади ва Галилейга қатъий огоҳлантириш берилади. У саккиз йил давомида оммавий чиқишларда қатнашмайди, лекин илмий иш билан шуғулланишдан тўхтамайди. У қандай қилиб гелиоцентризмни асослаш йўлини излайди ва оқибатда шундай фикрга келади: энг яхши йўл оламнинг тузилиши ҳақидаги қарашларини машҳур кишилар билан диалог кўринишида муҳокама қилишдир. Айнан шу шаклда илмий ҳақиқатни юзага чиқаришга интилади. Натижада Галилейнинг илмий тадқиқот ишлари натижалари иккита катта "Диалог" ва "Суҳбат" асарларида ўз аксини топади.

1632 йили мураккаб цензурадан ўтган асосий асари "Дунёнинг икки муҳим системаси Птоломей ва Коперник ҳақида диалог"и кўпчилик олимлар эътирофига сазовор бўлди. Асарнинг илмий аҳамиятига кейинчалик И.Ньютон ва А.Эйнштейн тан беришди. Яъни, И.Ньютон классик механика қонунларини яратишда Галилейнинг ишларини асос қилиб олади. А. Эйнштейн эса нисбийлик назариясига Галилейнинг нисбийлик принципини киритади.

Педагогик жиҳатдан бу асар ўз даврининг энг муҳим дарслиги эди. Ҳозирги замон маданияти нуқтаи назаридан қараганда "Диалог" оммавий қўлланма бўлиб, дунёқарашни шакллантириш мақсадига йўналтирилган. Бунда Птоломейнинг таълимоти ўрнига Н.Коперник таълимоти келтирилган. Барча муҳокамалар венециялик Сальвиати, Сагредо(Галилейнинг дўстлари) ва Симпличо(Аристотель қарашларини ҳимоя қилган олим)нинг суҳбати натижасидир. Бунда академик номи билан Галилейнинг ўзи ҳам иштирок этади. Китобда жисмларнинг текис ҳаракати, Ернинг суткалик ва йиллик айланиши ва бошқа сайёраларнинг ҳаракати ҳам кўрсатилган.

Галилей Европада биринчи бўлиб телескоп яратди ҳамда унда кузатув ишларини олиб борди. Коперникнинг ғояларини тажрибада тасдиқлади. 1609-1610 йиллари Юпитернинг 4та йўлдоши борлигини ўзи ясаган телескоп ёрдамида кузатди ва Сомон йўли ҳам алоҳида юлдузлардан ташкил топганини исботлади. Галилейнинг "Юлдуз ахборотномаси" асари астрономия ривожида муҳим роль ўйнади. Олим Ернинг Қуёш атрофида айланиши, суткалик ва йиллик айланиш даврларини исботлаш учун астрономик кузатишлардан ташқари, ўзининг механика соҳасидаги ишларидан ҳам фойдаланди. "Диалог" инквизиция (католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII-XIX асрларда таъсис этилган суд-полиция ташкилоти) томонидан яна қораланади, чунки уни тарғиб қилиш ман этилган эди. 69 ёшли Галилей Римга чақирилади. Галилей устидан суд сўроқлари 10 кун давом этади, уни Н. Коперник таълимотидан воз кечишга ундашади. Аммо Галилейнинг обрўси Европада баландлиги боис уни қамоқ жазосига ҳукм қилишга журъат этишмайди. У «табиатни билиш жараёни чексиз. Дунёни тажриба орқали билиш мумкин бўлиб, у механик сабабиятга бўйсунади" аксиомасини илгари суради. Масалан, ҳодисалар сабабини ахтариш — фаннинг бош мақсади ҳисобланади. Унинг фикрича, тажрибаларни математикасиз таҳлил қилиб бўлмайди, математика нафақат табиатни ўрганиш воситаси, балки оламда рўй берадиган ҳар бир ҳодисани аниқловчи ҳакамдир. У ўзининг "Устанинг иши" асарида қуйидагича ёзади: **"Табиат китоби математик тилда яратилган. Унинг ҳарфлари учбурчак, айлана ва бошқа геометрик шакллар бўлиб, буларсиз инсон табиат қонунларини тушуна олмайди"**.

Галилейнинг иккинчи энг муҳим асари — "Суҳбат" 1638 йили Лейденда босилиб чиққан. Унда Галилейнинг кема бўлмасида ўтказган тажрибаси моҳияти, ҳаракат ва тинчликнинг нисбийлигини тасдиқловчи чуқур муҳокамалари келтирилади. Фаннинг икки янги тармоғи — механика ва маҳаллий ҳаракат ҳақидаги суҳбат ва математик исботдан иборат бу асар Галилейнинг энг катта ютуғи ҳисобланади. Унда олимнинг механика соҳасидаги барча кашфиётлари тизимли равишда берилган.

Асар саккизта диалогдан иборат. Суҳбат иштирокчилари — "Диалог"даги Сальвиати, Сагредо ва Симпличо. Суҳбатнинг биринчи кунидаги мунозарада олим суҳбатдошлари эътиборини ёруғлик тезлигининг мумкин бўлган қийматини аниқлашга қаратади. Сальвиатининг айтишича, Галилей ёруғлик тезлигининг чекли ёки чексизлиги ҳақидаги мунозарани ечиш учун тажриба ўтказишни таклиф қилади. Аммо у тажрибаси орқали ёруғлик тезлигини аниқлай олмайди. Аммо ёруғлик тезлигини аниқлаш муаммосини ўртага ташлаганлигининг ўзи Галилейнинг энг катта хизматидир. (Орадан 250 йил ўтгандан кейин Физо ёруғлик тезлигини ер шароитида ўлчади). Сўнгра суҳбатдошлар ҳаракат муаммосини тушунтиришга ўтишади.

Суҳбатнинг иккинчи куни мавзуси материаллар қаршилиги ҳақида бўлади. Учинчи кунги суҳбат эса динамиканинг жисмлар текис ҳаракати, уларнинг эркин тушиш қонунлари, қия текисликда ҳаракати ҳамда нисбий ҳаракат тушунчаларини ишлаб чиқиш масалаларига қаратилади.

Галилейнинг магнетизм соҳасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир. Маълумки, инглиз олими И.Гильберт 1540—1603 йиллар давомида ижод қилган бўлиб, бу Галилей яшаган даврга тўғри келади. 1600 йили Гильбертнинг асосий иши, "Магнитлар ҳақида" асари нашрдан чиқади. Галилейнинг магнетизм соҳасидаги тадқиқотлари Гильберт таъсирида рўй беради. Унинг магнетизм соҳасидаги энг катта хизмати магнитнинг кўтариш кучини оширишга қаратилган. Италиялик олим магнит учун таянч формасини қандай танлаш кераклигини аниқлади ва табиий магнитга таянч тузилишини танлаш орқали магнит қутблари жойлаштирилса, магнитнинг кўтариш кучини ошириш мумкинлигини кўрсатиб берди. Шу тузилишлар орқали магнитнинг кўтариш кучи ўзининг оғирлигидан 26 марта катта бўлишига эришди. Галилей Гильбертнинг "Ер магнит майдони" гипотезасини ривожлантириб, унинг магнетизм ҳақидаги маълумотларини астрономияда қўллаб ҳам кўради, лекин бу соҳада катта муваффақиятга эришолмайди. Галилей "Ер ўзининг ўқи атрофида айланади, чунки у катта магнитдир" дейди. Ўша пайтлар магнит яқинига жойлаштирилган жисмлар магнитга тортилади, айланма ҳаракат қилади, деган тасаввур бор эди. Шу ғояга кўра, Қуёш ва планеталар ўртасидаги тортиш кучининг сабаби магнит майдонидир, деган фикрни илгари суради. Бу эса, ўз навбатида, Исаак Ньютон томонидан бутун олам тортишиш қонуни кашф қилинишига олиб келди.

Облокул ҚУВОНДИҚОВ,
Самарқанд давлат университети профессори, физика-математика фанлари доктори

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

НАЪМАТАК — ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ ВОСИТА

Даниялик олимлар томонидан табиий наъматак экстракти асосида «Goro» деб номланган янги дармондори яратилди. Препарат остеоартрит хасталигида юзага келувчи оғриқларни камайтириш хусусиятига эга. Ушбу касаллик инсоннинг ҳаракатланишини маълум миқдорда чеклайди. «Goro» эса унга қарши самарали восита, дея қайд этилади «Zee News» нашрида эълон қилинган мақолада.

Илк бор «Goro» дориси ҳақида 20 йил муқаддам гапсўзлар пайдо бўлган эди. Бу борадаги тажрибалар яқинда ижобий натижа берди ва қуритилган наъматакдан организмдаги оғриқларни бартараф этувчи ўзига хос табиий бирикма ажратиб олинди. Таблеткалар, айниқса, қўлида тез-тез оғриқ сезувчи беморларга қўлланилганда яхши самара беради. Препарат 30 нафар кўнгиллиларда синаб кўрилганда ҳар 10 кишидан 9 нафарига ижобий таъсир кўрсатгани маълум бўлди. Копенгаген университети(Дания)да ўтказилган тажрибаларда остеоартритга чалинган беморлар ушбу дармондоридан фойдалангандан буён доимий оғриқ қолдирувчи воситалардан кам фойдаланишаётганини таъкидлашган. Бундан ташқари, наъматак таркибида организм учун ниҳоятда фойдали С витамини ва ликопин моддаси ҳам мавжуд. Кучли антиоксидант танадаги ортиқча холестерин миқдорини камайтиради, яллиғланиш, қизариш ва шишларни йўқотади. Ундан халқ табобатида турли касалликларни даволашда кенг фойдаланилади.

ЯНГИ ТУРДАГИ МУЗЛАТКИЧЛАР САРИ ИЛК ҚАДАМ

Охирги юз йил ичида кундалик турмушимизда кенг фойдаланилаётган музлаткичларнинг ишлаш технологияси ҳеч қандай ўзгартирилмаган эди. «General Electric» компанияси тадқиқотчилари совутишни бутунлай янги усулда амалга ошириш лойиҳасини ишлаб чиқишди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, музлаткичнинг ушбу тажриба намунаси жараённи анъанавий хладагент ва компрессорлардан фойдаланмаган ҳолда, фақатгина магнитлар ёрдамида амалга оширади.

Мазкур технологияни яратишда олимлар «магнитокалория эффекти» деб аталадиган ҳодисадан фойдаланишмоқда. Ушбу ҳодисага кўра, бир қанча металлар магнитлар ёнида ўз-ўзидан исийди, улардан узоқлашганда эса совиш жараёни юзага келади.

Тажрибада доимий магнитли блоклар асосида вақтинчалик магнит майдонини юзага келтириш учун улар бир-бирига яқинлаштириб, узоқлаштириб турилди. Иссиқлик ташувчи ўрнида эса магнитга таъсирчан бўлмаган азот оксиди ёки алюмин сингари моддалардан фойдаланилди.

Янги қурилманинг намунавий кўриниши ҳароратни Целсий шкаласи бўйича 30 даражагача пасайтириш хусусиятига эга экани маълум бўлди. Олимларнинг таъкидлашича, магнит хусусиятига эга музлаткичлар одатий компрессорли совуткичлардан 20-30 фоиз кўпроқ наф келтиради. Шунингдек, кимёвий реагентлардан фойдаланиш зарурияти ҳам камайиб, табиатга етказилаётган зарар миқдори кескин камаяди. Яна бир қулайлик томони шундаки, мазкур музлаткич электр энергиясини тежаш имкониятига ҳам эга.

ВУЛҚОННИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАСА БЎЛАДИ

Яқинда америкалик тадқиқотчилар вулқон отилишини олдиндан тахмин қилиш имконини берувчи янгича усулни аниқлашди.



Вулқонлардаги магма (чўғсимон суюқ модда) таркиби ва ҳолатини ўрганиш натижасида маълум бўлишича, мазкур модда вулқон фаоллашувидан аввалроқ нисбатан суюқ ҳолатга ўтар экан. Бу эса вулқон отилиши хавфи юқори бўлган ҳудудларда табиий офатни вақтида аниқлаш, талафотларни бартараф этиш имконини беради.

Мутахассислар Америка Қўшма Штатлари ҳудудида жойлашган Маунт-Худ вулқонини узоқ вақт ўрганишгандан сўнг аниқ хулосага келишган. Изланишлар жараёнида бундан икки аср муқаддам отилган вулқон лавалари таркибидаги қолдиқларнинг кимёвий хусусиятлари ҳам тадқиқ этилди. Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, эндиликда вулқонларнинг уйғонишини олдиндан аниқлаш мумкин.

ГЎДАКНИ ЖИНСИГА ҚАРАБ ОВҚАТЛАНТИРИНГ

Мутахассисларнинг фикрига кўра, болалар озуқасини ишлаб чиқаришда уларнинг жинсига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. «The Daily Mail» нашрида эълон қилинишича, олиб борилган бир қатор тажрибалар болалар жинсидаги кескин тафовутлар улар озуқасининг таркибига ҳам кўплаб ўзгартиришлар киритиш лозимлигини кўрсатди.

Маълум бўлишича, кўкрак сутидаги витамин, минерал модда, қанд, ёғ ва бошқа бирикмалар концентрацияси фарзанднинг ўғил ёки қиз бола экانига ҳам боғлиқ бўлиб, бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ҳарвард университети биологи Кэти Хинд бошчилигидаги олимлар гуруҳи сигир ва маймунлар устида бир қатор тажрибалар ўтказишди. Уларда сут миқдори ва таркиби бузоқча ҳамда маймунчалар жинсига қараб турлича бўлиши аниқланди. Масалан, урғочи жонивор туғилганида, сутда кўп миқдорда кальций моддаси мавжудлиги ойдинлашган. Аксинча ҳолатда эса сут таркиби табиий равишда турли ёғ ва оқсилларга бойроқ экани маълум бўлди.

Тажрибалар жараёнида, шунингдек, сут таркибида стресс гормони ҳисобланган кортизол миқдори қанча кўп бўлса, озиқланаётган жониворда асаб тизими шунчалик кучли бўлиши кузатилди. Айни пайтда олимлар тажрибани инсонлар иштирокида давом эттириб, янада аниқроқ маълумотларга эга бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

ЕЛИМ ХАЛТАЛАРДАН ЁНИЛҒИ ОЛИНАДИ

Ҳар йили миллионлаб елим халталарнинг чиқиндига чиқарилиши оқибатида табиатга мисли кўрилмаган даражада зиён етаётгани боис кўпгина мамлакатларда улардан фойдаланишда турли чекловлар, ҳатто йирик миқдорда жарима жорий этилмоқда. Бир неча йиллик изланишлардан сўнг олимлар ушбу муаммонинг оқилона ечимини топишган кўринади.

Гап шундаки, Иллинойс университети қошидаги Иллинойс экологик тоза технологиялар тараққиёти маркази (ISTC) мутахассислари пиролиз усули ёрдамида аслида нефтдан тайёрланган елим халталарга кислородсиз муҳитда иссиқ (қурук) йўл билан қайта ишлов бериш орқали уларни яна қайтадан нефтга айлантиришнинг уддасидан чиқишди. Улар олинган хомашёдан табиий газ, керосин, бензин, парафин ва бошқа ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тайёрлашга ҳам улгуришди. Олимларнинг сўзларига кўра, маҳсулотлар АҚШда шу турдаги ёнилғилар учун белгиланган барча сифат стандартларига тўла жавоб беради.



Нефтни қайта ишлаб, ундан дизел ёнилғисини олишда дастлабки хомашёнинг 50—55 фоиз ҳажми қолади. Елим халтанинг ўзи нефтдан олингани сабаб унинг қарийб 80 фоизи тайёр маҳсулотга айланиши билан аҳамиятли. Елим халтадан олинган дизел ёнилғиси одатий дизел ёнилғисига 30 фоиз нисбатда аралаштирилганда, ҳеч қандай фарқ сезилмади. Бу билан унинг биоёнилғилардан самаралироқ экانига гувоҳ бўлиш мумкин. Мазкур тажрибага оид мақола «Fuel Processing Technology» илмий журналида эълон қилинган.

Одина ҚУЛМУРОДОВА, Ҳамида УСМОНОВА, Нигина ХЎЖАЕВА тайёрлади.

JUMLADA JAHON
yangiliklari ⊙ xabarlari

Кўп миқдорда ёққан қор оғирлигига дош беролмаган Жанубий Кореянинг Кёнжу шаҳридаги «Mauna Ocean Resort» дам олиш маскани томининг қулаб тушиши оқибатида у ерда ҳордиқ чиқараётган 500 нафардан зиёд талабанинг 10 нафари ҳалок бўлган, 100дан ортиғи жароҳат олган, яна 14 нафари бедарак йўқолган.

Японияда давом этаётган кучли совуқ ҳамда қор бўронлари оқибатида минглаб хонадонлар ташқи дунёдан узилиб қолган, совуқдан ҳалок бўлганлар сони 17, жароҳатланганлар эса 1550 нафарни ташкил этмоқда.

«Associated Press» ахборот агентлиги маълумотига кўра, Индонезиянинг Ява оролида Келуд вулқони ҳаракатга келгани, майда тош бўлакчалари ва қумдан иборат «ёмғир» ёғаётгани сабабли 10 километргача бўлган ҳудуддан 200 минг нафардан зиёд аҳолини зудлик билан эвакуация қилиш бошланган, Жакарта, Соло ва Сурабадаги халқаро аэропортлар фаолияти вақтинча тўхтатилган.

«The Daily Item» нашрининг маълум қилишича, 42 ёшли эркакнинг ўлимида айбланган АҚШнинг Пенсилвания штатида истиқомат қилувчи 19 ёшли Миранда Барбур бундан аввал ҳам 22 кишининг ҳаётига зомин бўлганини тан олди.

Непал марказидаги Покхара шаҳридан Жумла шаҳрига парвозни амалга оширган авиалайнернинг ҳалокатга учраши оқибатида бортдаги 15 нафар йўловчи ва 3 экипаж аъзосининг барчаси ҳалок бўлган, қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

«Associated Press» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, АҚШнинг Колорадо штати Лейк округида рўй берган қор кўчкиси оқибатида икки нафар чанғичи ҳалок бўлган ва яна уч нафари жароҳатланган, сўнгги икки ҳафта ичида айни шундай табиий офатдан ҳалок бўлганлар сони 6 нафарга етган.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси Кимё факультети «Органик кимё» кафедраси профессори, кимё фанлари доктори

Кудрат АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси География факультети «Геодезия, картография ва кадастр» кафедраси катта ўқитувчиси Ибодулла Ихлосовга волидаи муҳтарамаси

СОФИЯ аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Молия институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси институтнинг «Касбий таълим» кафедраси профессори Ҳожиқул Омоновга укаси

Бахтиёр ОМОНОВнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

2014-yil 19-fevral, № 15 (8664)

ИСТИҚЛОЛНИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори адабиётимизга, маънавиятимизга қаратилган юксак эътибор намунаси бўлди.



Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб шоирнинг "Сайланма"сини илк бор лотин ёзувида нашр этди. Бу ардоқли шоиримизнинг китобларини излаб юрган ёш мухлислари учун муносиб туҳфа бўлгани шубҳасиз.

Сўз боши муаллифи — Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли munaққид Озод Шарафиддинов. Сайланмадан шоирнинг эл орасида машҳур бўлган шеърлари, достонлари, у ҳақида таниқли ижодкорлар, саньаткорларнинг хотиралари ўрин олган.

Муҳаммад Юсуф шеърияти ҳақида сўз кетганда барча дўстлари, мухлислари шоир ижодига хос бир жиҳатни — самимиятни алоҳида тилга олади. Унинг қай бир мавзудаги шеърини ўқиманг, ҳаммасида соддалик тўнига бурканган сатрлар юрагингизга кириб бориб, янгроқ садо беради.

... Парижнинг энг гўзал
ресторанларин,
Битта тандирингга
алишмасман мен...

дея Ватанни баланд пардада, ҳеч кимникига ўхшамаган йўсинда мадҳ этиш алоҳида бир маҳорат бўлгани каби, амали ва сўзи бир инсон бўлиб яшаб ўтиш ҳам мураккабдир.

Президентимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида "Ижод бу ўзини — қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир", дея қалам аҳлининг меҳнатига, ижод изтироблариga ўринли таъриф берилган. Назаримда, Муҳаммад Юсуфни халқ орасида таниқли, сатрларини ҳам, сийратини ҳам суюмли қилган шу фидойилик, ижодни баланд мақомга кўтариш иштиёқи бўлса, ажаб эмас.

"Сайланма"ни варақлаётиб қайси шеърга кўзингиз тушиши билан беихтиёр уни хиргойи қила бошлайсиз:

Сен шохлари осмонларга
Тегиб турган
чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб,
Бош эгиб турган
чинорим,
Қўйнимдаги
ифтихорим,
Бўйнимдаги
туморим,
ўзинг менинг
улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

Сайланмадан жой олган "Жайрон", "Меҳр қолур", "Зеби, Зеби", "Қизғалдоқ", "Кўкламойим" сингари қўшиқ бўлиб ҳар бир юртдошимиз кўнглига кириб борган қуйма шеърлар мусиқий оҳанги билан ўқувчини ўзига тортади.

Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари маълум мавзу доирасида чекланиб қолган эмас. Шоирнинг эътиборини тортган, ҳаяжонига сабаб бўлган неки бор, бари жозиб мисраларга айланиб қоғозга тушган. "Сайланма"ни ўқиётиб, бунга такрор-такрор ишонч ҳосил қиласиз. Шеърнинг тафтини, сўз ҳароратини туясиз. Беихтиёр қўлга қалам олиб, шундай шеърлар ёзгингиз келади.

"Сайланма" — ўз номи билан сайланма. Китобда Ватанини, халқини оташин севган Муҳаммад Юсуфнинг умр бўйи йиққан-терган жавоҳир сатрлари мужассам. Шоир шеърларини ўқиган киши, шубҳасиз, дунё ҳикматидан бир насиба олади. Насибаки, бир умрга татигулик. Сизу бизга шу насиба муборак бўлсин.

Хайриддин МУРОД

ОЛИМНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Арзи Пазилов қаламига мансуб "Доноликка бошловчи фидоий олим" китоби фалсафа фанлари доктори, академик Жуманазар Бозорбоев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Китобда Жуманазар Бозорбоевнинг турли йўналишдаги тадқиқотлари холис баҳоланади. Олим фалсафа, тарих, сиёсатшунослик, педагогика, қорақалпоқ тили, қорақалпоқ адабиёти, иқтисод назарияси билан мунтазам шуғулланиб, фундаментал йўналишдаги китобларни нашр эттирди. Ҳаммуаллифликдаги "Одобнома" китоби, дарслик ва қўлланмалари, миллий мафкура масалаларига бағишланган рисолаларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. "Фалсафий муаммолар ечимини излаб", "Тарих ва тарихий шахслар бугуннинг назарида", "Педагогик илмни илҳомлантирувчи", "Қорақалпоқ тилининг жонкуяри", "Табиат фидоийси" каби мақолалар олимнинг серқирра фаолияти ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Китобда академик Жуманазар Бозорбоевнинг кўпқиррали фаолиятига тегишли маълумотлар: шахс, олим, жамоатчи раҳбар сифатидаги қиёфаси, салоҳияти ва мавқеи тўла қамраб олинган. Илмий-адабий портрет характеридаги бу асар илм-фанга янгилик киритиш йўлида изланаётган ёш олимларга умр сабоғини улашса ажаб эмас.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор.
Илья ДИЛЬМАНОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент.

«БОРЛИГИНИ БИЛГАНЛАР»

Шоир Шодмонқул Саломнинг "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриётида чоп этилган китоби шундай номланади. Шеърият мухлислари шоирни «Юрак иқлими», «Кўнгил китоби» каби шеърий тўпламлари орқали яхши танийди. Шодмонқул Салом қалб амри билан ижод қилади, ўзи ёққан алангада ўзи қоврилади, адабиётни қисмат деб билади. Бунга ёзганлари гувоҳлик бериб турибди. У «тошдай учиб, қушдай қўнишни ўрганган, дард жонидан ўтганда кулишни ўрганган», «ҳасратни юрагида сайрашга ўргатган» шоир.

Таниқли шоир Эшкобил Шукур китобга ёзган сўзбошида «Сизда ўлик шеър йўқ. Ҳар бир шеырингиз билан гаплашса, ҳасратлашса, куйлашса бўлади», дея муаллифга мурожаат қилади. Китобни ўқир экансиз, бу сўзларнинг нақадар чинлигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Лекин ижодкорнинг ўзи бир шеърида айтганидек, «Шоир ҳали ёзолмади зўр шеърини». Ўйлаймизки, Шодмонқул Салом бундан кейин ҳам борлигини билдириб яшайди.

«Борлигини билганлар» шеърий тўплами китоб жавонингиздан муносиб жой олишига ишонамиз. Шоир ҳақида минг таърифу тавсиф эшитгандан кўра тўрт мисрасини ўқиган яхши:

...Бир ғариб най
чалар ичимда,
Бир илон куйга
ғарқ йиғлайди.
Бу ғариб ўз
камин чалляпти,
Илон ҳам ўз
ғамин тинглайди...

Жўрабек ЖАҲОН

ЭКОЛОГИЯНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

Экология фанида ҳанузгача ўз ечимини топмаган илмий-назарий асослар мавжуд. ЎзМУ профессори Асқар Нигматов яратган "Экологиянинг назарий асослари" ўқув қўлланмаси нафақат фаннинг назарий асосларини очиб бериши, бошқа фанлардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларини ёритиши билан ҳам эътиборлидир.

"Миллий касбий таълимда узлуксиз экологик таълим тизимининг назарий асосларини яратиш" мавзусидаги фундаментал лойиҳаси асосида тайёрланган ўқув қўлланма умумий экология ёки экология асослари йўналишида чоп этилган адабиётлардан фарқли равишда фалсафанинг фанлар методологиясига зифаси мавжуд далилларни изоҳлаш, воқеа ва ҳодисаларнинг мазмунмоҳиятига чуқурроқ кириб бориш, янги билимлар ҳосил қилишдаги бошланғич асосни шакллантиришдир. Қўлланмада экология назариясининг илмий асосларини очиб беришда ҳам айнан ушбу принципиал қоидаларга амал қилинган. Унда экология тушунчаси, объекти, предмети, методологияси, методлари, концепциялари ва принциплари, муаммолари ва уларни назарий жиҳатдан ҳал этиш йўллари, ҳозирги кунда юзага келаётган табиат-жамият муносабатларининг илмий асослари баён этилган. Муҳими, экология мустақил фан, таълим ва амалиёт йўналиши эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Қўлланма савол ва топшириқлар, глоссарий ҳамда жадвал-расмлар билан бойитилган.

С.САНГИНОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

СЎЗ ИШҚИ — "АЗАЛИЙ ҒУССА"

Ҳар бир шоирнинг ўз услуби, бошқаларга ўхшамаган йўналиши, фикрни етказиш йўли бўлади. Вафо Файзуллоҳ чуқур хаёлга чўмдирувчи, тафаккурга ундовчи шеърлари билан адабиёт муҳибларининг эътирофига сазовор бўлган.

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган "Азалий ғусса" шеърий тўпламидан кейинги даврда ёзилган энг сара асарлари жой олган.

Шоир илҳомни илоҳий дард сифатида кўради. "Юрак сим-сим оғрир", "Кўнгил", "Пистоқи кўзалардан хўпладим Шарқни", "Суратимдан эзилди гулим" сингари шеърларида шоир руҳиятининг сўзга нечоғлик ташналиги намоён.

Вафо Файзуллоҳнинг янги китобини ўз-ўзини руҳий тафтиш қилиш меваси дейиш ҳам мумкин. Масалан, "Хиёнат" шеърида муаллиф кўнгил лабиринтида обдон кезади, энг тўғри йўлни топишга уринади. Аммо бир-бирига зид тушунчалар уни қийнайверади...

Шоир "Мен ким?" шеърида кўнгилга ётишмаган ишлар кўнгилни ўлдириши, доғи кетмаслигидан оғринади. Ўзига хос руҳий талотумлар турли рамзларда қуюқ акс эттирилади.

Олим ЖУМАБОЕВ

БОЛАЛАРБОП ЛУҒАТ

Фарзандларимиз учун мўлжалланган «Ўзбекча-русча-инглизча луғат» шу пайтгача чоп этилган «сўз сандиқ»ларидан кўргазмали тузилганлиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Луғат бошланғич синфларда амалда қўлланилиши мумкин бўлган ўқувчилар билиши лозим деб ҳисобланган сўзлардан тузилган. Инглиз тилидаги сўзлар талаффузи кирилл ҳарфлари билан берилгани ўқитувчи-педагог ва ота-оналарга қулайлик туғдиради.

Луғат охирида сўзлар алифбо тартибида келтирилиб, таржимаси қайси бетда берилгани кўрсатиб ўтилган. Бу ўқувчига изланаётган сўзини тезроқ топиш имконини беради ҳамда луғатдан фойдаланишни осонлаштиради. Бошланғич синф ўқувчиларининг имкониятларидан келиб чиқиб, фразеологик иборалар маъноси ҳам расмлар воситасида ёритилган. Ёзилиши бир хил, аммо маъноси бошқа-бошқа бўлган шаклдош сўзларни чалкаштирмаслик учун алоҳида рақам билан кўрсатилган.

А.Ҳожиев, Х.Муҳиддинова, Н.Қамбаров ва Р.Мирзаев ҳаммуаллифлигида тузилган 2200 сўздан иборат луғатни Республика таълим маркази нашрга тавсия этган.

Насиба ЭРХОНОВА

БАРКАМОЛ АВЛОД МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАДИ

Спорт турлари орасида сузиш алоҳида ажралиб туради. Унинг нафис ҳаракатларга бой тури ҳисобланган синхрон сузиш эса ўз жозибаси билан кишини ўзига тортади.

Farzandlari sog'lom yurt qudratli bo'lur

Синхрон сузиш турли хореография элементлари, акробатик ва гимнастик ҳаракатларни ўзида мужассам этганлиги боис ҳам у билан шуғулланувчилар соғлом, кучли, қийинчиликларга бардош берадиган, қомати расо бўлиб вояга етади. Мутахассисларнинг айтишича, синхрон сузиш билан мактабгача ёки бошланғич синф ёшиданоқ шуғулланиш мақсадга мувофиқ.

Буни яхши англаб етган Шуҳрат ака олти ёшли қизини қўлидан етаклаб, Юнусобод туманидаги Сув спорти саройига олиб борди. Бу ердаги бир-биридан гўзал қизларнинг нафис ҳаракатларини кўрган қизалоқнинг кўзлари чақнади, унинг ҳам сувга шўнғигиси, нозик элементларни бажаргиси келди. Лекин ҳали сузишни билмаслиги уни бу шаштидан қайтариб турарди. Отаси мураббий билан маслаҳатлашгач, қизига «Кечроқ келиб сени олиб кетаман, унгача ақлли қиз бўлиб, мана бу опангнинг айтганларини бажариб тур» деди.

— Ҳа, қизларга ҳавасинг келаяптими, сен ҳам улардек сузишни истайсанми? — дея сўради мураббий ва ҳар хил машқларни бажараётган қизларга қараб «Яхши, яхши» деб қўйди.

— Ҳа, — дея жавоб берди бу ерга нима учун келганини ҳали яхши англаб етмаган қизалоқ.

— Унда мен сенга синхрон сузиш бўйича мураббийлик қиламан. Қани, танишиб олайлик, мен Татяна Заводовскаяман, сенинг исминг нима, — дея қизалоққа қўл узатди мураббий.

— Мухлисахон Хайриддинова...

...Бу воқеага ҳам ўн икки йилдан ошди. Шу вақт ичида бу қизалоқ синхрон сузишга меҳр қўйиб кўплаб давлатларда ўтказилган мусобақаларда тажриба орттирди, шоҳсупалардан жой олди. Шода-шода медаллар эса уни янада руҳлантириб турди.

Юртимизда болалар спортига берилаётган юксак эътибор сабаб ўғил-қизларимизнинг кўксини ана шундай шода-шода медаллар безаб турибди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида жамғарма маблағлари ҳисобидан 2013 йилнинг ўзида турли даражадаги халқаро мусобақаларда қатнашган фарзандларимиз томонидан 124 олтин медал қўлга киритилгани алоҳида таъкидланди. Бундай юқори натижага эришган спортчи ёшларимиз орасида Мухлисахон Хайриддинова ҳам бор.

1996 йили Тошкент шаҳрида туғилган Мухлисахон Хайриддинова бугун Тошкент дизайн коллежида таҳсил олмокда. 2013 йили Туркияда синхрон сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритди.

Юртимизнинг минглаб болалари сингари Мухлисахон ҳам ўқиш билан бир қаторда, спорт билан мунтазам шуғулланиб келмокда. Бугунги кунгача республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда жами 10та олтин, 3та кумуш ва 2та бронза медалини қўлга киритди. Жумладан, 2009 йили Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш бўйича халқаро мусобақада ҳам шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олган эди. Спорт соҳасида кўплаб ютуқларни қўлга киритаётган ўқувчининг коллеждаги ўқишлари билан ҳам қизикдик.

— Мухлисахон турли мусобақалар ва машғулотларда кўп бўлади, ва табиийки, баъзан дарсларда иштирок эта олмайди, — дейди Тошкент дизайн коллежининг махсус фан ўқитувчиси, гуруҳ раҳбари Мухлиса Бекмуродова. — Шундай бўлса ҳам, барча дарсларни ўзлаштириб олишга вақт топадиган қатъиятли, интизомли қиз. Бирон мусобақага кетиш олдидан, албатта, келиб бизни хабардор қилади. Коллежда у «ўнг қўлим»га айланган, барча ишларимга ёрдам беради. Жамоат ишларидан ўзини олиб қочмайди, меҳнаткаш ва қобилиятли қиз. Унинг чизган расмларини кўрсангиз ҳайратда қоласиз.

Ҳар қандай спот турининг ўзига яраша қийинчиликлари, машаққатлари бор. Синхрон сузиш машғулотлари ҳам қизлардан жиддий жисмоний ҳаракатларни талаб этади. Бунга чидаш, сабр-тоқат қилишнинг ўзи бўлмайди. Тинимсиз машғулотлар, яқин инсонларнинг қўллаб-қувватлаши бундай қийинчиликларни енгиб ўтишда муҳим аҳамиятга эга.

— Отаси билан кўп ўйлаб, мутахассислардан маслаҳат олиб қизимизни синхрон сузишга бердик, — дейди онаси Нигора Хайриддинова. — Тўгаракда 20 нафар қиз бирга шуғулланишарди. Мухлиса синхрон сузишга жуда қизиқарди, лекин баъзида машғулотлардан чарчаб, қийналган пайтлари «Бўлди, бошқа шуғулланмайман, ойи, қийин бўлаяпти», дерди. Шунда «ҳали ҳаммаси яхши бўлади, тушкунликка тушма, ўзингга ишон, ҳаммасини уддалайсан» деб унга далда берардим. Унинг ўқиш ва машғулотлари учун барча шароитларни яратиб бердик, қўллаб-қувватладик.

Синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Галина Краснова билан суҳбатлашганимизда, шогирди Мухлисанинг кўрсаткичларидан мамнунлигини, ундан умиди катта эканини айтди:

— Президентимизнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейрода (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, синхрон сузиш бўйича ҳам спортчиларни тайёрлаш ишларини бошлаб юборганмиз. Терма жамоанинг аъзолари қатори умидли спортчи Мухлисахон ҳам Хитойнинг Шанхай шаҳрида тайёргарлик машғулотларини олиб бормокда. Хорижлик мутахассислардан синхрон сузиш сир-асрорларини ўрганиб, тажриба алмашиб маҳоратини янада ошираётган қизларимиздан халқаро майдонларда ҳали улкан ғалабаларни кутиб қоламиз.

— Қизимни спорт мажмуасига олиб борганимда, унинг соғлом ва баркамол улғайишини мақсад қигандим, — дейди отаси Шуҳрат Хайриддинов. — Унинг бундай натижаларга эришиши хаёлимизга ҳам келмаган. Забт этган чўққиларининг барчаси сидқидилдан қилган меҳнатлари самараси, деб биламан.

Мухлисанинг мураббийлари, ота-онаси билан суҳбатлашганимизда улар битта фикрни такрор-такрор таъкидладилар: юртимизда ёш авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етиши учун барча шароитлар яратиб берилгани улкан ғалабаларга замин бўлмокда.

Жўрабек ЖАНГИРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Суратда: синхрон сузиш бўйича халқаро турнир ғолиби Мухлисахон Хайриддинова (чапда).

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ЕТУКЛИГИ ЙЎЛИДА

Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежи педагогик жамоаси ҳам ўқувчи ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтиришга интилиб келмокда. Коллежнинг Гимнастика ва спорт ўйинлари кафедраси мисолида айтсак, ўқитувчилар асосан «Жисмоний тарбия ва болалар спорти» йўналишида таълим олаётган ўқувчиларни жисмоний тарбияга қизиқтириш, ихтисослик бўйича назарий ва амалий билим бериб, кўникма ва малакаларни шакллантириш, услубий мажмуаларни тайёрлаш, спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш, ўқувчиларни «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Гимнастика, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия тарихи дарслари замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилмокда.

Жисмоний тарбия фанини ўқитишда Самарқанд давлат университетининг жисмоний маданият факультети профессор-ўқитувчилари билан ўрнатилган ҳамкорлик ўз самарасини бераётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Кафедрада устоз-шогирд мактаби ташкил этилган бўлиб, тажрибали мураббийларга ёш ўқитувчилар бириктирилган. Ўқувчиларнинг қишки таътил кунлари ўқитувчилар учун янги педагогик технологиялар асосида дарс машғулотлари ташкил этишга бағишланган семинарлар ўтказилди.

Коллеж ўқувчилари яратилган шароитлардан фойдаланиб яхши натижаларга эришмокда. Жумладан, коллеж спортчилари ўтган йили «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг Самарқанд шаҳар босқичи баҳсларида қўл тўпи (мураббий Ғ.Ўроқов), стол тенниси (мураббий Р.Ҳакимов), енгил атлетика (мураббий Ш.Очилов), сузиш (мураббий С.Умаров), кураш (мураббий С.Қўчқоров) бўйича совринли ўринларни қўлга киритишди. Мусобақанинг вилоят босқичида ўғил-қизларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади.

Битирувчиларнинг педагогик амалиётини намунали ташкил этиш, уларни ишга жойлаштириш мақсадида Самарқанд шаҳридаги умумтаълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари билан ҳамкорлик қилинмокда.

Салом ҲАКИМОВ,
коллеж ўқитувчиси

Bolalar sporti

ГАРГАРЛИК ТЕННИСЧИЛАР ОИЛАСИ

Юртимиз қишлоқларида вояга етаётган ёшлар ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида турли мусобақаларда фаол иштирок этиб келишаётир. Марҳамат туманидаги Гаргар қишлоғида теннис билан шуғулланиб қатор ютуқларни қўлга киритаётган ўғил-қизларнинг интилишлари бунга мисол.

Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида олти йил олдин теннис гуруҳи ташкил этилганди. Ана шундан буён мунтазам равишда тўгарак фаолият юритмокда. Фахрий ўқитувчи Расулжон Султоналиев бошчилигидаги мураббийлар болаларга теннис сир-асрорини пухта ўргатмокда.

— Даставвал гуруҳимизда саккиз нафаргина бола шуғулланганди, — дейди Р.Султоналиев. — Энди эса тўгарагимиз ҳам, теннис ҳам қишлоғимизда кенг оммалашиб улгурди. Сўнгги уч йил ичида марҳаматлик ёш теннисчилар вилоят ва республика мусобақаларида юздан ортиқ совринни қўлга киритди. Жумладан, Исмоил ва Илёсбек Тошболтаев, Очила Маржонова, Аброр Ашуралиев, Файзулло Мирзағаниев, Шодия Ёқубжонова, Гулрух Акрамова, Шоҳжаҳон Аҳмаджонов республикамиз теннисчилари орасида ўз рейтингига эга.

Масалан, ака-ука Тошболтаевлар оиласида спорт билан шуғулланиш учун ажойиб муҳит яратилган. Уларнинг отаси уста дурадгор Иброҳимжон ҳамда онаси тумандаги 7-ўрта мактаб ҳисобчиси Фотимахон ҳам теннисниг ашаддий мухлислари. Улар ўтган йили Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан ташкил этилган оилавий мусобақада қатнашиб, совринли ўринга эга бўлишди. Қолаверса, гаргарликларга теннис ўргатаётган мураббий Расулжон Султоналиев ака-ука Тошболтаевларнинг бобоси. Мазкур спортсевар оиланинг кенжаси — 5 ёшли Муслим ҳам келажакда кучли теннисчи бўлиш мақсадида ушбу спорт тури билан шуғулланмокда.

Жорий йилда ҳам марҳаматлик теннисчилар ўз совринлари сонини оширишга аҳд қилишган. Бунинг учун тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида қулай шарт-шароит яратилган.

Орифжон СИДДИҚОВ
Андижон вилояти

O'TISH BALLARI



Men MENING SHAHRIMni tanladim!

Sen-chi?

MENING SHAHRIM. TA'LIM – MENING REPETITORIM!

10 ta fan bo'yicha TESTLAR o'zbek va rus tillarida

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

mening SHAHRIM

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЗАМИРИДА ҲАМЖИҲАТЛИК МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Болажонларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда эса спорт мусобақалари катта аҳамиятга эга. Мусобақаларга ҳар бир тарбиячи ўз гуруҳи билан бирга тайёрланади. Кичкинтойлар туман ва шаҳар миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Мақсадимиз, ўғилқизларнинг қобилиятларини эрта аниқлаб, уларни тўғри ривожлантириш "Энг обод таълим муассасаси — 2012", "Мактабгача таълим муассасалари имижи — 2013" кўрик-танловлари ғолиби бўлган муассаса жамоаси бугун ҳам шу номга муносибликни қўлдан бермаяпти. Яқинда ўтказилган "Спорт — гўзаллик рамзи" мусобақасининг туман босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритгани ҳам бу фикримиз исботидир.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-226
Tiraji 67180.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir: Jo'rabek JANGIROV.
Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 21.15
Topshirildi — 22.00

12 45